**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК:*

**СИДДИКОВ ДИЛШОД ИСКАНДАРОВИЧ**

# Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари (Самарқанд вилояти мисолида)

**5А230102 – Иқтисод**

**Магистр**
**академик даражасини олиш учун ёзилган**
**диссертация**

**Илмий рахбар: иқтисод фанлари доктори,**
**профессор - Б.А.Абдукаримов**

**САМАРҚАНД – 2013 йил**

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | **Кириш** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | **3** |
| **I БОБ.** | **Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдонинг назарий масалалари** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | **8** |
| **1.1.** | Савдонинг моҳияти, функциялари ва ривожланиш босқичлари. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 8 |
| **1.2.** | Савдонинг ижтимоий шакллари, ташкилий иқтисодий таснифи ва иқтисодиётда тўтган ўрни. . . . . . . . . . . . . . . . . . | 15 |
| **1.3.** | Савдони ривожлантириш ва тартибга солишда хорижий давлатлар тажрибалари. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 18 |
| **II БОБ.** | **Самарқанд вилоятида ички савдонинг ҳозирги ҳолати таҳлили** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | **38** |
| **2.1.** | Самарқанд вилоятининг умумий ижтимоий-иқтисодий тавсифи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 38 |
| **2.2.** | Савдода самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 47 |
| **2.3.** | Самарқанд вилоятида савдо фаолияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 65 |
| **III БОБ.** | **Самарқанд вилоятида ички савдони ривожлантириш истиқболлари** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | **75** |
| **3.1.** | Самарқанд вилоятида савдонинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш йўллари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 75 |
| **3.2.** | Самарқанд вилоятида савдони ривожлантириш йўллари ва истиқболлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 80 |
| **IV БОБ** | **Савдо соҳаси корхоналарида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари** . . . . . . . . . . . . . . . . | **86** |
| **4.1** | Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари . . . . . . . . . . . | 86 |
| **4.2** | Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари . . . . . . . . . . . . . | 92 |
| | **Хулоса** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | **96** |
| | **Адабиётлар рўйхати** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | **101** |

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятларга эга, ўзига хос муаммолари бўлган ва уларни ўрганиш, ечимини топиш доимо долзарб методологик, назарий ҳамда амалий масала бўлиб келган. Ушбу жараён савдо соҳасига ҳам тўла тегишлидир.

Шу нуқтаи назардан хозирги даврда, республикамизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шаклланиши, айниқса глобал жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози кўп давлатларни қамраб олиб, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига ўзининг салбий таъсирини ўтказаётган шароитда, инқироздан кейинги даврда ҳам савдони ташкилий - иқтисодий масалаларини тадқиқот қилиш, уни самарали фаолият юритиш йўлларини аниқлаш, савдода замонавий бозор механизми тамойилларини жорий этиш назарий ва амалий жиҳатдан ўта долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “2010 йилда ... хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш” вазифасини қўйди[1]. Бу савдо соҳасининг ҳам ривожланишини таъминлашни тақозо қилади. Чунки бир томондан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг маълум даражада таъсири сезилаётган бўлса, иккинчи томондан соҳанинг бугунги кун талабига ҳамон тўлиқ жавоб берадиган механизмларининг шаклланмаганлигидир.

Буларни инобатга олиб, Президентимиз Ислом Каримов «...жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш...»[2] зарурлиги масалаларини алоҳида таъкидлаб ўтган. Ушбу муаммоларнинг ечимини топишда савдо соҳасини аҳамияти алоҳида ўрин тутади. Шу туфайли ушбу соҳанинг ҳолатини,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” маърузаси. “Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январь
[2] Каримов И. «Жахон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Т.: ЎЗбекистон, 2009. 35 б.

ривожланиш тенденцияси уларни мунтазам тадқиқ қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш концепциясини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида хизмат кўрсатиш соҳаси, жумладан савдо соҳаси субъектлари фаолияти муаммолари хорижий иқтисодчи олимлардан Гари Джоунз[3], А. Крие, Ж. Жаллэ[4], Л.А. Брагин[5], К.А.Раицкий[6] О.В. Чкалова[7], Джон Ферни[8], В. Снигерева[9], С. Сысоева[10], А.М.Фридман[11], В.С. Марцин, И.Т. Петрук, М.В.Панасюк[12] , В.К.Памбухчиянц[13], Д.Е. Давыдянц[14]лар томонидан тадқиқ қилинган. Республикамизда мустақиллик йилларида савдо соҳаси муаммоларига бир қатор иқтисодчи олимларни илмий изланишларини келтириш мумкин. Хусусан А.С. Солиев[15], М.Қ. Пардаев[16], М.М.Мухаммедов[17], Б.Ю. Ходиев[18], Б.Сафаров[19], Н. Йўлдошев[20], Ш.Эргашходжаева[21], И.Иватов[22], Б.А.Абдукаримов[23], Н.А.Комилова[24],

---

[3] Гари Джоунз. Торговый бизнес: как организовать и управлять. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1996. – 304 с.
[4] Крие А., Жаллэ Ж. Внутренняя торговля: Пер. с фр. – М., А/О «Прогресс» - «Универс», 2005. – 192 с.
[5] Брагин Л.А. и др. Торговое дело : экономика и организация. – М.: ИНФРА – М, 1997. – 256 с.
[6] Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. – М.: 2000. – 315с.
[7] Чкалова О.В. Торговое дело. – М.: Эксмо, 2008. – 320 с.
[8] Джон Ферни и др. Принципы розничной торговли. Пер. с англ. Сапциной У.– М.: ЗАО «Олимп – Бизнес», 2008. – 416 с.
[9] Снегирева В. Розничный магазин. Управление ассортиментом по товарным категориям. – СПб.: Питер, 2005. – 416 с.
[10] Сысоева С.В., Крок Г.Г. Большая книга директора магазина. – СПб.: Питер, 2009. 432 с.
[11] Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. – М.: «Дашков и К°» 2008. – 628 с.
[12] Марцин В.С. Петрук И.Т.,Панасюк М.В. Економіка споживчої кооперації. – К.: Либідь, 1996. – 400 с.
[13]Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговых предприятий. Учебник. – М.: ИВЦ «Маркетинг», 1998. – 320 с.
[14] Давыдянц Д.Е. Показатели и оценка эффективности экономики в условиях рыночных отношений (макро – и микроуровни). – Ставрополь: «Кавказский край», 1998. – 492 с.
[15] Солиев А. Маркетинг, Бозоршунослик. – Т.: «ART – FLEX», 2008. – 416 с.
[16] Пардаев М.К. Бозор иктисодиёти шароитида корхонада фойда ва рентабеллик таҳлили. - Самарқанд, СамКИ, 1998.
[17] Мухаммедов и др. Экономика торговли. Самарканд. 1998. – 284 с.
[18] Ходиев Б.Ю. ва б. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
[19] Сафаров Б.Ж. Узбекистон чакана савдосида бозор тизимларининг шаклланиши ва уларни тартибга солиш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент: ТДИУ, 1998.- 21 б.
[20] Йўлдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ. 2005. – 164 б.
[21] Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент: ТДИУ, 2007.- 44 б.
[22] Иватов И. Савдода маркетинг фаолияти. Монография. – Т.: ТДИУ, 2004. – 104 б.
[23] Адукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, Т.: «Фан ва технология». I қисм. 2007. – 387 б. II қисм. 2008. – 217 б.
[24] Камилова Н.А. Состояние и пути совершенствования внутренней торговли Узбекистана (на примере Самаркандской области). Представленный автореферат диссертации на соискание ученной степени кандидата экономических наук. Самарқанд: СамИЭС, 2008.- 24 с.

Ғ.А.Мадиёров[25], Р.С. Муратов[26]лар томонидан олиб борган тадқиқотларини алоҳида такидлаш лозим.

Савдо соҳасини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини ҳозирги замонда кечаётган молиявий ўзгаришлар шароитида ташкил қилиш макроқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан эканлиги барча олимлар томонидан эътироф этилган. Аммо савдо соҳасини ривожлантиришнинг концептуал асосларини шакллантириш ва уни амалда тадбиқ этиш муаммосининг кўп қиррали эканлиги ва мураккаблиги сабабли туғиладиган муаммоларнинг кўпчилик қисми назарий ва методик жиҳатдан тўлиқ ўрганилмасдан қолмоқда. Айнан шу ҳолат диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлди.

**Тадқиқот мақсади.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдода бозор механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омилларни тадқиқ қилиб, соҳани ривожлантиришнинг ички имкониятларини ошириш бўйича илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, **тадқиқотнинг қуйидаги вазифалари** белгилаб олинди:

- савдонинг моҳияти, фукцияларини ва ривожланиш босқичларини ёритиб бериш;
- савдонинг ижтимоий шакллари, ташкилий иқтисодий таснифи ва иқтисодиётда тутган ўрнини ўрганиш;
- савдони ривожлантириш ва тартибга солишда хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш;
- савдода бозор муносабатларининг шаклланиши ва уларни ривожланиш босқичларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда, жумладан Самарқанд вилоятида савдонинг ҳолатини таҳлил қилиб, илмий хулосалар тайёрлаш;

---

[25] Мадияров Ғ.А. Истеъмол товарлари бозорида маркетинг тизимини ривожланиши (озиқ-овқат товарлари мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент: ТДИУ, 2008. – 23 б.

[26] Муратов Р.С. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмоли учун енгил саноат махсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспектлари.: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент: ТДИУ, 2006. - 25 б.

- савдони тартибга солиш юзасидан уларни ҳуқуқий - меъёрий таъминланганлигини ўрганиш ва ушбу масалаларни такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- савдода ва унинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Мамлакатимизда, шу жумладан Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган савдо соҳаси билан шуғулланаётган турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар танланган. Савдо соҳасининг самарадорлигини ошириш ва унда бозор механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий–ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Илмий янгилиги.** Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш шароитида ҳудудларда савдони такомиллаштириш ва уни самарали фаолият юритиши бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан:

- бозор иқтисодиёти шароитида товарлар ва хизматлар бозорининг ижтимоий – иқтисодий моҳияти очиб берилган ва унда савдонинг аҳамияти назарий – методологик жиҳатдан ёритилган;
- савдо соҳаси субъектлари самарадорлигининг моҳияти очиб берилган ва уни амалга оширишнинг назарий-методологик асослари ёритилган;
- савдо соҳасини ташкиллаштириш ва ривожлантириш борасида чет эл тажрибасини ўрганиш, уларни Республикада жорий қилиш жиҳатлари бўйича илмий-услубий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган;
- савдода ва унинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг назарий хулосалари ва таклифлари савдо соҳаси субъектлардаги мавжуд муаммоларни ечиш борасида ишлаб чиқилган таклифлар, илмий тавсиялар,

услубий ёндашувлар, Ўзбекистонда, хусусан, Самарқанд вилоятида уларнинг фаолиятини ташкил этиш, самарали ва барқарор фаолият юритиш амалиётида услубий асос сифатида қўлланилади.

Амалий аҳамияти савдо соҳаси субъекталри самарадорлигини оширишга оид меъёрий ҳужжатларни, савдонинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш, савдо шоҳобчаларини типлаштириш ва ихтисослаштириш бўйича, ҳамда соҳага оид статистик маълумотларни расмийлаштиришни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Диссертациядаги назарий ғоялар ва қарашлардан «Ички савдо иқтисодиёти», «Ташқи савдо иқтисодиёти, «Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти», «Корхона иқтисодиёти», «Иқтисодий таҳлил», «Статистика» каби фанлардан ўқув дастурлари ва адабиётларини тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус касб таълим тизимида, сервис ва хизматлар соҳасида иқтисодчилар, менежерлар, маркетологларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

# I-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдонинг назарий масалалари

## 1.1. Савдонинг моҳияти, функциялари ва ривожланиш босқичлари

Савдонинг келиб чиқиши ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида товар ишлаб чиқаришни ва товар муомаласи, айрибошлашни вужудга келиши билан боғлиқ.

Тарихан савдони фойда олиш мақсадида моддий бойликларни қайта сотиш учун сотиб олиш деб тушунилган. Савдо жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$П – Т - П^{1} \ldots Т – П^{1} \ldots$$

Савдони товар айрибошлашни шакли (формаси) нуқтаи назардан қаралса, савдонинг вазифаси макон ва замон жиҳатидан бир – биридан ажралиб тўрган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқани боғлашдан иборат бўлган.

Савдо мустақил ижтимоий – иқтисодий функция бажариб, бошқа иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи хўжалик тармоқлари қатори унинг фаолиятида ҳам мулкдор (мулк эгаси), ёлланган хизматчилар, меҳнат, тадбиркорлик, фойда кабилар ўз аксини тарихан топган.

Савдо ишлаб чиқаришнинг биридан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ва ишлаб чиқарувчи қўлидан истеъмолчи қўлига маҳсулотларни етказиш вазифасини бажарган.

Савдо жараёнида маҳсулотлар товарга айланади. Чунки товар сотиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардир.

Маҳсулот бирон – бир эҳтиёжни қондирмаса, яъни уни истеъмол қиймати зарурият топмаса, унинг қиймати қопланмайди ва уни ишлаб чиқарувчи инқирозга учраши эҳтимолдан ўзоқ бўлмайди.

Савдони шаклланиши инсоният тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ибтидоий жамиятда алоҳида қабилалар эҳтиёжидан келиб чиқиб маҳсулотлари билан айрибошлашган.

Савдога қандай таъриф бериш мумкин?

Бунинг учун савдонинг қандай хусусиятлари борлигини аниқлаб олиш керак.

Савдонинг хусусиятлари:

1. савдо – бу товар айрибошлаш, олди – сотдини шакли;

2. савдо – бу товарларни ишлаб чиқарувчилардан шахсий истеъмолчиларга етказиш;

3. савдо – бу товарларни қишлоқдан – қишлоққа, шаҳардан – шаҳарга, ҳududдан – ҳудудга, давлатдан – давлатга етказиб бериш жараёнидир;

4. савдо – сотувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатдир;

5. савдо – иқтисодиётнинг (халқ хўжалигининг) хўжалик юритувчи субъекти, тармоғи;

6. савдо – бозор элементлари (таклиф, талаб ва баҳо) намоён бўладиган жараён.

7. савдо – хизматнинг алоҳида тури бўлиб у **бир томондан** ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади, **иккинчи томондан** истеъмолчиларга, **учунчи томондан** Давлатга хизмат қилади ва **тўртинчидан** у бошқа иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ҳам хизмат кўрсатади,уларни хизматларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан алоқада бўлади.

Савдо – биринчидан, товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик алоқалар ва товар айрибошлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни англатади;

- иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида мустақиллашган савдо корхоналари мажмуасидир.

Савдонинг моҳияти (таърифи)дан келиб чиқиб, унинг бажарадиган функцияларини аниқлаш зарур.

Савдо – ўз моҳиятидан келиб чиқиб қуйидаги ижтимоий – иқтисодий функцияларни бажаради:

Биринчидан, товар айрибошлаш шакли сифатида товарлар қийматини айрибошлаш;

Иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида товарларни ишлаб чиқишдан истеъмолчиларга етказиш.

**Биринчи функция натижасида** товарларни қиймати сотилади, унга сарф қилинган ижтимоий меҳнат қопланади ва қўшимча қиймат вужудга келади.

**Иккинчи функция натижасида** товарларни истеъмол қиймати истеъмолчиларга етказилади, истеъмолчилар томонидан тан олинади, сотилади ва мулк шакли ўзгаради.

Амалий нуқтаи назардан истеъмол товарларини тақсимоти тугайди.

Савдо ижтимоий – иқтисодий функцияларни бажариш билан бир қаторда ташкилий – иқтисодий, техник – технологик функцияларни ҳам бажаради.

**Ташкилий – иқтисодий функциялар:**

1. Таклифни имкониятларини ўрганиш;
2. Талаб ва эҳтиёжни ўрганиш;
3. Баҳони шакллантириш;
4. Товарлар рекламасини ташкил қилиш;
5. Шартномалар тўзиш ва буюртмалар бериш;
6. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш.

**Техник – технологик функциялар:**

1. Товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказишни ташкил қилиш (транспорт корхоналари билан алоқа ўрнатиш, товарларни сон ва сифати бўйича қабул қилиш ва ҳ.к.)
2. Товарларни сақлаш;
3. Товарларни қадоқлаш;
4. Товарларни транспорт воситаларига юклаш, тушуриш.

Бозор олди-сотди жараёнига эҳтиёж туғилиши натижасида инсонлар ўртасида ушбу жараён билан боғлиқ бўлган муносабатлар вужудга келиши шаклланган. Бозор бирламчи бўлиб вужудга келган, кейинчалик товар айрибошлаш жараёни «савдо» деб юритилган. «Савдогар» - «Тамкор» сўзини пайдо бўлиши милоддан олдинги иккимингинчи йилларни ўртасига тўғри келади. Савдонинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланишининг тадқиқот қилиш натижасида, тарихий манбаларни ўрганиш асосида муаллифлар томонидан савдода бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари аниқланди. Ушбу босқичлар жамият тарақиётида юз берган энг йирик ходисалар ва жараёнларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.[27]

Тарихий маълумотлар шундан дарак берадики, ибтидоий жамиятида милоддан олдинги V-IV минг йилликларда қабилаларни вужудга келиши, деҳқончилик ва чорвачиликни (Буюк ижтимоий меҳнат тақсимоти тарихда милоддан олдинги IV мингйиллик даврига тўғри келади. Ушбу даврда Осиё, Ўрта Осиё, Европа, Шимолий Африка, Палестин, Миср, Эрон, Ироқ ва Кавказ ҳудудларида «Қулдорчилик» жамияти вужудга келган) вужудга келиши натижасида қабилалар ўртасида товар алмашуви (Т-Т) «бартер» жараёни вужудга келган. Ушбу даврда одамлар ҳайвонлар терисидан ип ясашни, ундан кийим-кечак тикишни ҳам ўрганган.

**Ушбу давр, бизнинг фикримизча, савдонинг ривожланишини биринчи босқичи деб ҳисобланиши мумкин.**

**Савдонинг ривожланишини иккинчи босқичи** мулк муносабатларини (хон мулки, хусусий мулк, шахсий (истеъмол) мулк) чуқурлашиши, инсониятнинг юқори, ўрта ва пастги ижтимоий синфларини вужудга келиши, санъат, адабиёт, маданият ва савдо-сотиқни ривожланиши, муомала воситаси сифатида қўрғошин, кумуш, олтин, мис ва қатор рангли металларнинг ишлатилиши натижасида товар - пул – товар муносабатларини шаклланиши даврини ташкил қилади. Бу давр тараққиётнинг милоддан

[27] Всемирная история. М.: «Госполитиздат». т. I - 1955, т. II -1956, т. III -1957 т. IV -1958.

олдинги иккинчи минг йиллиги ва биринчи минг йилилкнинг X-VI асрларига тўғри келади. Ушбу даврда Греция, Вавилон, Осиё ва бошқа давлатлар ўзининг металл тангаларига эга бўлган.

Улуғ мутафаккир Абу Райхон Беруний ўзининг «Минералогия» асарида ушбу масала бўйича «Белгиланган савдо шаклларига келсак, халқлар ва давлатлар тўғрисида бизгача етиб келган малумотларига қараганда, у айрим метал воситасида амалга оширилмоқда, улар одамлар учун қиматбаҳо бўлиб қолган ва одамлар қалбида уларга иштиёқ туғилган...» деб таъкидлаган.

**Тараққиётнинг учинчи босқичи** Шарқ давлатлари билан Ғарб мамлакатларининг савдо-сотиқ муносабатларини ривожланишига асос солган савдо йўли «Буюк ипак йўли»ни (милоддан олдинги VII-I асрлар ва милодийнинг XV асригача) вужудга келиши ва ривожланиш даврига тўғри келади. Ушбу давр феодализм тузумига тўғри келади.

**Савдо тараққиётининг тўртинчи босқичи** инсоният жамиятининг феадал тузумининг инқирози (вайрон бўлиши) ва капиталистик ижтимоий тузумни вужудга келиш давридан унинг XIX асрнинг охиригача ривожланиш даврини ўз ичига олади. Ўрта Осиё мамлакатлари капиталистик тўзум босқичини ўтмаган. Шу сабабли бу мамлакатлар учун савдони ривожланиш босқичлари учинчи ва тўртинчи даврни бирлаштиришни тақозо қилади. Ушбу даврлар учинчи босқич ҳисобланади. Ушбу даврнинг бошида кенг маънодаги бозор механизми шакллана бошлаган, у жамият иқтисодий муносабатларининг қон-томирига кириб борган. Пул-товар-пул муносабатлари товарлар бозори чегарасидан чиқиб, иқтисодий организмнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб ола бошлади.

1769 йил 10 январда Екатерина II Россияда қоғоз пул (ассигнация)ни жорий қилиш тўғрисида монфестга имзо чеккан[28].

Ушбу даврдаги бозор муносабатлари қуйидаги ходисаларга асосланган:

[28] Мир новостей №2 (839) 13 января, 2010 года.

биринчидан, саноатни қишлоқ хўжалигидан, шаҳарни қишлоқдан узоқлашиши;

иккинчидан, саноатни ичида ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлашиши;

учинчидан; қайта тайёрлаш саноатини кенг ривожланиши натижасида бозорлар чегарасини кенгайишига олиб келганлиги;

тўртинчидан, бозор баҳоларини шаклланишининг янги механизмини вужудга келиши. Бозорда баҳоларни (бир хил товарларга) қандайдир тенглаштириш жараёни содир бўлиши, монопол баҳоларининг вужудга келиши, давлатнинг баҳони белгилашга аралашуви;

бешинчидан, улгуржи савдонинг янги тури, товар биржаларини вужудга келиши, айниқса хом ашёлар, қимматбаҳо қоғозлар ва рангли металлар биржалари;

олтинчидан, рақобатни кенг ривож олиши;

еттинчидан, ишлаб чиқаришда, олди-сотди жараёнида ва бошқа тармоқларда монополияларни вужудга келиши, трансмиллий халқаро компанияларнинг шаклланиши;

саккизинчидан, пул умумий айрибошлаш воситасига айланиши. Пулни бошқа функциялари ҳам ушбу даврда шаклланган ва такомиллашиб келмоқда (қиймат ўлчови, тўлов воситаси, хазина тўплаш ва жамғариш воситаси).

Ва ниҳоят, ушбу даврда кўплаб мамлакатларда истеъмол товарлари бозори (савдо) мисли кўрилмаган тараққиётга эришди. Унинг моддий техника базаси ривожланди, янги типлари вужудга келди, ихтисослаш чуқурлашди, савдонинг янги шакллари вужудга келди, савдо капитали йириклашди, савдода монополиялар, йирик трансмиллий компаниялар вужудга келди.

**Савдода бозор муносабатларини шаклланиши ва ривожланишининг бешинчи босқичи** ер юзида XX асрнинг бошида рўй берган революцион ўзгаришлар ҳамда иккинчи жаҳон урушидан (1939-1945 йиллар) кейинги даврда ер юзида социалистик тузумни вужудга келиши ва

XX асрнинг 90 йилларида ушбу тузумни инқирозга учраш даврини ўз ичига олади. Ўрта Осиё мамлакатлари учун бу давр тўртинчи босқич ҳисобланади.

Савдони ривожланишининг бешинчи босқичи ер юзидаги собиқ социалистик тузум қурган давлатларига (ССРИ, Хитой, Монголия, Ветнам, Польша, Венгрия, ГДР, Югославия, Чехословакия, Альбания, ҳозирги Куба)га тегишли. Ушбу давлатларда маъмурий буйруқбозлик тузуми шаклланиб, уларда савдо муносабатлари марказлашган ҳолда тартибга солиниб, директив тартибда ривожлантирилиб, баҳолар давлат томонидан тўла тасдиқланиб, товарлар ҳам давлат томонидан тақсимланган. Ушбу даврда собиқ Совет Иттифоқи Республикаларида давлат, кооператив ва колхоз савдолари шакллантирилиб, мулк муносабатлари давлат ва кооператив мулкларга асоланиб ривожланган. Ушбу давлатлар XX асрнинг охирига келиб инқирозга учрадилар ва бу даврда кўплаб мустақил, бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган давлатлар шаклланди.

XX асрнинг 90 йилларининг охиридан бошлаб ушбу давлатларда савдони ривожланишининг **олтинчи босқичи** бошланди. Ўрта Осиё давлатлари учун бу **бешинчи босқич** деб ҳисобланиши керак.

## 1.2. Савдонинг ижтимоий шакллари, ташкилий иқтисодий таснифи ва иқтисодиётда тўтган ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида савдонинг ижтимоий шакллари ва ташкилий – иқтисодий таснифи тубдан ўзгарди. Собиқ иттифоқ даврида республикада давлат савдоси, кооператив савдо ва колхоз бозори мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда мул муносабатлари ўзгариши, дицентрализация жараёни амалга ошганлиги муносабати билан давлат савдоси бутунлай хусусийлаштирилиб, унинг умумий товар айланишдаги ҳиссаси 1 % гача миқдорга қисқартирилди. ҳудди шундай кооператив савдо ҳам хусусийлаштирилди. Колхоз бозори бутунлай барҳам топди, уни ўрнига деҳқон бозорлари шаклланди.

Савдонинг бутунлай янги шакли, яъни хусусий савдо вужудга келди, шундай қилиб савдонинг мулкий шакллари бутунлай янгиланди, нодавлат сектор шаклланди.

Савдода вертикал бошқарув тизими бутунлай барҳам топди. Баҳолар эркинлаштирилди. Хўжалик алоқалари бозор иқтисодиётига мослаштирилди.

Ташкилий тўзилмалар бутунлай янги таркибда тўзилди.

Вазирлик ва бошқармалар йўқ қилинди. Акционерлик жамиятлари, компаниялар, хусусий фирмалар, якка тартибдаги савдо шаҳобчалари вужудга келди.

Савдонинг иқтисодиётда тўтган ўрни, аҳамияти, савдонинг хусусиятлари, бажарадиган функцияларидан келиб чиқади.

Савдо аҳоли ҳаётини таъминлайдиган алоҳида соҳа бўлиб ҳисобланади. Уни иштирокида ишлаб чиқарилган товарлар истеъмолчилар томонидан ижтимоий тан олинади, товар таклифи билан истеъмолчилар талаби келиштирилади.

Товар таклифи билан истеъмолчилар талабини келиштириш орқали савдо ишлаб чиқаришга фаол таъсир қилади, у ишлаб чиқариш ҳажмини ва таркибини (ассортиментини) белгилашга таъсир қилади.

Савдонинг ишлаб чиқариш билан алоқаси – уларни хўжалик алоқалари, тижорий ишлар орқали амалга ошади.

Жамиятда савдо корхонасисиз ишлаб чиқарилган истеъмол товарлар истеъмолчиларга етиб бормайди.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнини қайтарилиб туришига савдо реал иқтисодий имкониятлар яратади. ҳар қандай ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ўзи ишлаб чиқарган товарини сотилишини таъминлаш шарт, акс ҳолда унинг фаолияти тўхтатиб қолиши мумкин. Савдо корхоналари ишлаб чиқарувчиларга ўз харажатларини қоплаш ва тегишли даромад олиш имкониятини яратади.

Савдо ушбу вазифаларни бажариш орқали ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади.

Ишлаб чиқарувчилар тўғридан – тўғри истеъмолчиларни (бу ерда аҳоли назарда тутилмоқда) ўз товарлари билан таъминлаш имкониятига эга эмас ва уни бажара олмайди. Шу билан бирга савдо ишлаб чиқарувчиларни вақтни тежайди ва такрор ишлаб чиқаришни тезлаштиради. Худди шундай савдо халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан ҳам алоқада бўлади. Савдо тақсимотини реал ҳолда амалга ошишини таъминлайди.

Савдо – пул, кредит, молия тизимини мувофиқлаштирилиши жараёнини намоён бўлишига таъсир қилади (пул эмиссияси, касса режаларини бошқариши, инфляция, миллий даромадни шаклланиши) ва ҳ.к

Савдонинг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларга хизмат қилиш бўлиб хисобланади.

Истеъмол такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тўртинчи ва охирги фазаси. У маҳсулотларнинг ҳаракатини охирги босқичи.

Истеъмолда (ишлаб чиқариш ва шахсий) товарларни истеъмол қиймати намоён бўлади, тан олинади.

Савдонинг шахсий истеъмол билан алоқаси аҳолининг истеъмол товарларига эҳтиёжини қондириш амалга ошади.

Савдода алоҳида шахс ёки истеъмолчилар гурухи учун мос келадиган товарлари истеъмол ассортименти шаклланади. Ўзлуксиз савдо амалга оширилади, яъни талабни ўзлуксиз қондириб бориш жараёни таъминланади.

Шахсий истеъмол орқали инсоният ишчи кучини такрор (қайта) ишлаб чиқаради. Бу эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришга манфаат туғдиради, чунки ҳар қандай тармоқ ишчи кучи билан ўзлуксиз таъминланиши зарур.

Савдода эҳтиёжни шакллантириш орқали истеъмол таркибига, аҳолининг умр ва яшаш даражасини оширишга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Масалан, товарларни реклама қилиш орқали (товарларнинг истеъмол функцияси, сифати, баҳоси ва ҳ.к.) аҳоли эҳтиёжини шакаллантириш. Реклама, ҳар хил турдаги савдо шаҳобчаларини ташкил қилиш (элита ёки арзон баҳодаги савдо шаҳобчалари ташкил қилиш каби) орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий гуруҳлари орасида истеъмол даражаси ва таркибини тартибга солишдек мураккаб вазифани амалга оширади.

Савдо ҳар хил фойдали маслаҳатлар бериш орқали оқилона истеъмолни шакллантиради. Бу эса аҳолининг ҳаётини ва истеъмол даражасини ортишига олиб келади.

Савдо шаҳобчаларида прогрессив савдо технологияларини жорий этиш, харидорларга зарурий шарт-шароитлар яратиш билан аҳолининг товар сотиб олиш харажатларини (товар сотиб олишга ва истеъмол учун сарфланган меҳнат ва моддий харажатлар), товар сотиб олишга сарфланган вақтини тежашга ижобий таъсир қилади. Аҳолининг бўш вақти эса жамиятнинг бойлиги, унинг тараққиёти учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Савдода аҳолини вақтини тежашга имконият яратиш орқали уларни бўш вақтларини оширади.

## 1.3. Савдони ривожлантириш ва тартибга солишда хорижий давлатлар тажрибалари

Инсоният тараққиётида барча ижтимоий формацияларда давлат иқтисодиётни тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос камчиликлари, такомиллашмаган томонлари иқтисодиётни давлат томонидан ҳар томонлама тартибга солиб туришни тақозо қилади. Улар қаторига қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин.

Биринчидан, рақобатни такомиллашмаганлиги сабабли монополияларни вужудга келиш эҳтимоли ва улар ўзларини баҳолаштириш сиёсати орқали жамият фаравонлигига зиён келтириши мумкинлиги.

Иккинчидан, жамиятга ҳаётий зарур бўлган, кўп товарларни мавжудлиги, лекин бозор томонидан улар етарли даражада таклиф қилинмаслиги. Бундай товарлар асосан таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва бошқа соҳаларда кўплаб мавжуд.

Учинчидан, атроф муҳитни ҳимоя қилиш муаммолари.

Тўртинчидан, ишсизлик, инфляция, иқтисодий барқарорсизлик, даромадларни нотексиз тақсимланиши.

Бешинчидан, аҳолини бирламчи зарур бўлган товарлар билан таъминлаш муаммолари.

Олтинчидан, болалар, ёшлар, ногиронлар ва нафақахўрларни ижтимоий ҳимоя қилиш зарурияти каби ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш заруриятларидан давлат томонидан иқтисодий жараён ва ҳодисаларни, жумладан баҳоларни тартибга солишни объектив эҳтиёжи вужудга келади.

Давлат томонидан баҳони тартибга солиш деганда, давлатни жамият хўжалик фаолиятига, аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий аҳволни яхшилаш мақсадида, иқтисодий-ижтимоий сиёсати орқали, ҳуқуқий, маъмурий, иқтисодий ричаклар, усуллар билан ўз таъсирини ўтказишини тушуниш лозим.

Ушбу ричаглар ва усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

I. Баҳоларни чегаралаш орқали

1.1. Фиксировать қилинган (белгиланган) баҳолар орқали;

1.2. Баҳоларни ўзгариш коэффициенти чегарасини белгилаш;

1.3. Рентабеллик даражаси чегарасини белгилаш;

1.4. Баҳоларни декларация қилиш;

1.5.Гарантияланган харид баҳолар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига).

II. ҳар хил норма ва нормативлар белгилаш.

III. Товарлар (хизматлар)ни стандартлаш ва сертификациялаш.

IV. Фаолият ва хизматларни лицензиялаш.

V. Иқтисодий рычаглар (дастаклар ёки таянчлар) – солиқлар, бож божлари ва тўловлари, банк фоизлари, тарифлар ва ҳ.к.

Савдони ташкил қилишни чет эллар тажрибасини ўрганиш, уни бир қанча йўналишлар бўйича гуруҳлаштириб изоҳлаш лозимлигини тақозо қилди.

**I. Савдо фаолияти ва давлат сиёсати**

Ҳозирги бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатларни тартибга сола олмаслигини назарияда – иқтисодчи олимлар, амалиётда барча давлатларнинг ички ва ташқи фаолияти исботлаб келмоқда. Ҳозирги бозор муносабатлари амалиётда барча мамлакатларда ҳуқуқий қонунлар орқали давлатлар томонидан тартибга солинади. Умуман олганда иқтисодий инқирозлар реал ҳолатда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари орқали амалга оширилади. Бунга яққол мисол сифатида 2007 йили бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва давлатларни, уни салбий оқибатларидан чиқиш юзасидан кўрган чора-тадбирлар дастурларини келтириш мумкин.

Давлатни бошқариш функцияси умумий харакат қиладиган, иқтисодиётнинг барча субъектларига бир хил шароит яратадиган таъминлайдиган норматив ҳужжатлар қабул қилишдан иборатдир. Улар қаторига иқтисодий фаолиятга тегишли қонунлар, қонун тусидаги норматив ҳужжатлар, давлат раҳбарларини фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари, инструкциялар, дастурлар, режалар, ташкилий тузилмалар тузиш,

иқтисодий фаолиятга рухсат бериш, давлат буюртмалари, меҳнат муносабатларини, иш ҳақини, баҳони тартибга солиш кабилар киради.

Савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми кўплаб давлатларда тарихан шаклланган.

Аввалам бор АҚШдаги антитрест қонунчилиги амалиётига тўхталмоқчимиз. Чунки унинг тажрибасидан бутун дунё мамлакатларининг компаниялари антирақобат ҳаракатларини назорат қилиш учун фойдаланишган.

АҚШда савдо фаолиятига ҳам тегишли бўлган қонунлар ва уларни савдо соҳасига таллуқли талабларини умумлаштирган ҳолда 1.3.1-жадвалда келтирамиз.

1.3.1-жадвал

**АҚШда антитрест қонунчилиги**

| № | Қонуний ҳужжатни номланиши | Савдо соҳасига қўйиладиган талаблар | Қабул қилинган йили |
|---|---|---|---|
| 1 | Шерман қонуни | Ушбу қонунда савдо фаолиятига тўсқинлик қиладиган контрактлар ва келишувларни ман этган, манополияни тақиқлаган, товарларни қайта сотишда баҳоларни ушлаб туриш, вертикал интеграцияни ман қилиш, бирлашиш, товар-ларни сотишда силжитишни чегаралаш, сотишдан бош тортиш, қайта сотишни чегаралаш каби талаблар қўйилган | 1890 |
| 2 | Клейтен қонуни | Ушбу қонунда асосан Шерман қонунини қўллаб, рақобатни чегараловчи омил сифатида баҳо борасида курашини тақиқлаган, кантрактларга шериклар ҳаракатини чегараловчи бандлар киритишни ва рақобатга тўсқинчилик қилувчи алоҳида ҳуқуқлар беришни ман қилган. Ушбу қонунни бажарилишини таъминлайдиган ташкилот – «Савдо бўйича Федерал комиссия» ташкил қилинган (1914 й.) ва бу комиссияга «нософ рақобат» келтириб чиқарадиган ҳаракатларни олдини олиш топширилган. У баҳо белгилашда дпериминация жараёнига йўл қўйилмаслик, ишлаб чиқариш | 1914 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | ва сотиш функцияларини гуруҳланиш чегаралаш талабларини амалга оширган. | |
| 3 | Робинсон – Пэтмен қонуни | Компанияларга дискриминацион баҳоларни белгилаш ман этган. Бу савдо фирмаларига бир хил баҳо таклиф қилиш шартлигини белгилашни англатган. Ушбу қонун билан товарларни улгуржи сотишни ташкил қилувчиларга имтиёзли чегирма (скидка)лар беришни талаб қилган. Ушбу қонун кичик савдогарлар манфаатини қўллаган. | 1936 |
| 4 | Келлер – Кифовер қонуни | Ушбу қонунда горизонтал бирлашишлар танқид қилиниб вертикал бирлашмалар тавсия қилинган. Бунда Шерман қонунини тегишли банди инкор қилиниб бекор қилинган. Ушбу қонун ҳам «Робинсон – Пэтмен» қонунига ўхшаш савдодаги кичик бизнесни қўллаган. | 1950 |
| 5 | «Истеъмол товарларига баҳо тўғрисида»ги қонун | Конкрет товарни улгуржи сотишда минимал баҳо ўрнатилган. Бу асосан озиқа маҳсулотларига тегишли бўлган | 1975 |

**Изоҳ:** Д.Ферни, С.Ферни, К.Мур. «Принципы розничной торговли» китоби (42-47 бетлар) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан умумлаштириб тузилган.

АҚШда 10,0 % маҳсулотларга баҳо тартибга солинади, Японияда – 20,0 %, Швейцарияда – 50,0 %.

Савдо фаолиятига тааллуқли Европа иттифоқи давлатлари томонидан XX асрнинг охирида қабул қилинган, Европа Иттифоқини шаклланиш даврида савдо соҳасига таъллуқли айрим қонуний ҳужжатларни келтирамиз.

1998 йили ЕИнинг «Товарларга таклиф қилинган баҳосини кўрсатишда истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 96/6 сонли директиваси билан товарлар ўлчов бирлигига баҳосини кўрсатиб қўйиш белгиланган.

1998 йилда «Узоқ масофадаги истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 97/7 сонли яна битта директивада истеъмолчиларни агрессив сотиш усулларидан (каталог ёки интернет орқали) ҳимоя қилиш қонунлаштирилган. Бунда истеъмолчи ҳеч қандай жаримасиз шартномаларни

етти кун давомида бузиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги замондаги электрон коммерцияга ҳам бу директива тегишли.

1999 йили Европа иттифоқи парламенти «Истеъмол товарларини сотиш ва уларни кафолати тўғрисида» директив хужжат қабул қилган. Унинг мақсади – савдо-сотиқ алоқаларида қатнашувчи давлатлар томонидан қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги «Минимал ҳимоя қоидалари»ни белгилаш. Ушбу қоида бўйича сотиб олувчи товарлар келтирилган вақтдан бошлаб, икки йил давомида сифатсиз товарларни алмаштириш ҳамда бир йил давомида имтиёз (скидка) ёки пулни қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилган.

Шу йилда 84/45/ЕЕС «Носифат ва таққосланувчи реклама» тўғрисидаги директивасига ўзгартиришлар, 97/55/ЕС директива қабул қилинган. Унда реклама орқали ноқонуний маълумотлар бериш тақиқланган.

Францияда савдо фаолиятига давлатни аралашуви қуйидаги тўрт йўналиш бўйича амалга оширилади.

Биринчидан, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш. Бу борада давлат ҳар хил ташкилотлар ва хизмат муассасалари орқали савдо фаолиятига таъсирини ўтказади. Бундай функцияни бажариш учун қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошида «Истеъмолчиларни алдашни олдини олиш ва товарлар сифатини назорат қилиш» бўйича хизмат муассасаси; Истеъмол вазирлиги ҳузурида «Истеъмол миллий институти» ташкил қилинган - унинг вазифасига истеъмолчилар бирлашмаларига ёрдам қилиш, ахборотлар жамлаш, оммавий ахборот воситалари билан алоқа, баҳони товарлар этикетларида кўрсатиш, товарларни сотиш усулларини назорат қилиш, реклама фаолиятини юритиш кабилар юклатилган.

Иккинчидан, баҳо ва устамаларни тартибга солиш.

Учинчидан, рақобатни таъминлаш. Савдони ҳар хил шакллари ва сотишнинг ҳар хил усулларини рағбатлантириш йўли билан давлат рақобатни қўллаб-қувватлайди.

Тўртинчидан, савдонинг ривожланишини бошқариш. Бу йўналиш бўйича масалан: «Рупйс қонуни» деб аталган «Савдо ва ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишлари тўғрисида»ги қонуни (1973 й.) қабул қилиниши ва уни ҳаракатини таъминлаш чора-тадбирлари кўриш; савдо моддий-техника базасини режалаштириш; қишлоқ савдосини қўллаб-қувватлаш, савдо ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали тадбирлар амалга оширилади.[29]

Турция 1920-1940 йилларда «аралаш иқтисодиётни шакллантирган, 1983 йилда ҳарбий диктатура тугатилиб «эркин бозор» иқтисодий сиёсатига ўтиш даври бошланган. «Эркин бозор» тузумига ўтиш «иқтисодий ривожланишни туркия модели» деб юритилади.

Бозор иқтисодиётини асосий координациялаштирувчи ва такомиллаштирувчи механизмлари бу конкуренция ва баҳолаштириш бўлиб ҳисобланади.

Туркияда ишлаб чиқариш, молиявий тизим ва савдони давлат томонидан тартибга солиш тарихан шаклланган. Туркия бозор иқтисодиётига асосланган давлатлар ичида биринчи бўлиб «Савдо кодекси»ни (1926 й.) қабул қилган давлат ҳисобланади. Унинг иқтисодий сиёсати асосида баҳолаштириш масаласи турган. 1933 йилда № 3003 «Саноат маҳсулотларига ишлаб чиқариш ва сотиш баҳоларини ўрнатиш ва назорат қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонун билан иқтисодиёт вазирлигига ушбу баҳоларни аниқлаш ва назорат қилиш функцияси юклатилган. Ушбу қонун ҳозиргача бекор қилинмаган.

Туркияда 1926 йилда тамакига, 1929 йили буғдойга давлат харид баҳолари ўрнатиш тартиби киритилган. Кейинчалик 1940 йилдан арпага, қора буғдойга, маккага, сулҳга, 1942 йилдан чойга, 1962 йилдан фундукга, майизга, анжирга, 1974 йилдан гўштга, умуман жами 30 дан ортиқ давлат

[29] Крис Н., Жаллэ Ж. Внутренная торговля: Пер. с французского. М.: изд. «Прогресс» - «Универс». 2003. – С 177-181.

харид баҳолари ўрнатилган. Ушбу баҳолар айрим ўзгартиришлар билан ҳозирги кунгача ҳаракатда.

Туркияда 1980 йилда қабул қилинган янги конституциянинг «Молиявий ва иқтисодий ҳолат» қисмида давлатни иқтисодиётга аралашуви, жумладан режалаштиришда, савдони тартибга солишда, кооперациялаштиришда, истеъмолчиларни ҳимоя қилишда таъкидлаб қўйилган.

Ушбу конституцияда баҳоларни стабиллигини таъминлаб туриш; давлат томонидан пул-кредит, капитал бозорини, хизмат соҳасини монополлашуви ва картеллашувини олдини олиш, уларни фаолиятини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш. Унда кооперацияга алоҳида эътибор қаратилиб, кооперативлар тўла давлат назорати остида бўлиши белгилаб қўйилган.

Туркияда тижорат соҳаси ҳар хил ва кенг тарқалган бўлиб, улар ҳар хил капиталга ва ҳажмига эга бўлган давлат ташкилотлари, акционер жамиятлар, масъулияти чекланган жамиятлар, холдинглар, ўртоқчилик жамиятлари, кооперативлар, жамоа корхоналари, таъминот жамиятларидан ташкил топган.

Турцияда давлатни савдо соҳасига аралашуви узоқ муддатли ва жорий режалаштириш орқали (вазирлик, идора, бошқарма, корхоналарга давлатникими ёки хусусийми қатъий назар, тегишли бўлиб, таклифи характерга эга) амалга оширилади.

Россияда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни асосий қонуний ҳужжати бўлиб «Россия Федерациясини фуқаролик Кодекси» (1994 й.) ҳисобланади. Ушбу кодексда давлатни иқтисодиётга аралашуви даражаси жумладан, истеъмол товарлари бозори фаолияти изоҳлаб қўйилган. Ушбу аралашувлар бевосита ва билвосита таъсир қилувчи қонуний ҳужжатлар ва давлат органларининг функционал вазифалари орқали амалга оширилади.

Россияда 1990 йиллардан бошлаб савдони ташкилий-ҳуқуқий шакллари тубдан ўзгарди. Торглар, трестлар йўқ қилинди. 1991 йил 3

июлдаги «Давлат ва муниципиал корхоналарни хусусийлаштириш тўғрисида»ги (1992 йили ўзгаришлар киритилган) савдо корхоналари хусусийлаштирила бошланди ва масъулияти чекланган ўртоқлик жамиятлари тузилди, ҳозир улар масъулияти чекланган жамиятлари деб юритилади ва савдо шаҳобчалари уларни 50,0 % ни ташкил қилади, акциодор жамиятлари – 15,0 % ни, давлат сектори 10,0 % атрофида, ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлар 20,0 % ни ташкил қилади.[30]

Россияда тадбиркорлик фаолиятига, жумладан савдога (кичик корхоналарнинг таркибида савдо корхоналари 2002 йили 47,9 %[31] ташкил қилган) таъсир қилувчи асосий омил бу баҳони давлат томонидан тартибга солиш бўлиб ҳисобланади.

Россия ҳукумати қуйидаги шаклларда баҳони тартибга солади.

1. Қайд қилинган баҳолар тўла давлат томонидан тасдиқланади (Давлат прейскурантлари тасдиқланади, эркин бозор баҳолар чегараланади, қайд қилинган монопол баҳолар белгиланади).

2. Давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолар (баҳолар чегараси белгиланади, прейскурантда қайд қилинган баҳоларга устамалар ёки коэффициентлар белгиланади, баҳоларни бир маротабали баҳоларни ошириш чегараси белгиланади, монопол баҳоларни назорат қилади, давлат корхоналари маҳсулотларига баҳони белгилайди).

3. Эркин (келишилган) баҳолар бўйича ўйин қоидаларини белгилайди (горизонтал ва вертикал йўналишларда баҳоларни қайд қилиш тақиқланади, баҳо дискриминацияси тақиқланади, демпинг (экспорт маҳсулотларига баҳоларни тушириш) тақиқланади, носоғлом баҳо рекламаси тақиқланади[32].

Хитой халқ республикасида баҳоларни бошқариш масаласи билан махсус баҳо устидан давлат бошқарув органи шуғулланади. Ушбу орган 1977 йили августида ХХР Давлат Кенгаши қарори билан тасдиқланган. Ушбу орган орқали марказлашган ҳолда асосий аҳамиятга эга бўлган (қишлоқ

[30] Чкалова О.В. Торговое дело. М.: ООО издательство «Эксяно», 2008, с. 69.
[31] Экономика предприятия. Учебник, М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2004. – С 46.
[32] Экономика предприятия. Учебник, М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2004, с. 567.

хўжалиги маҳсулотлари, нефт, газ, электроэнергия, коммунал хизматлар ва бошқалар) товарлар ва маҳсулотларга баҳо ва тарифлар белгиланади ёки чегараланади.

2007 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози савдо соҳаси фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бутун жаҳон савдо ташкилотининг маълумотига кўра 2009 йили дунё бўйича савдо ҳажми 12,0 % тушиб кетган. 2013 йилга келиб ижобий ўзгаришлар рўй бериши мумкинлиги башорат қилинмоқда. Ривожланган давлатларда савдонинг ҳажми – 11,0 %, тараққий этган давлатларда – 7,5 %, бутун дунё бўйича 9,5 % га ўсиши кузатилади.

Чет эл тажрибаларида савдо фаолиятини тартибга солиш масаласида Буюк Британия энг кўп олди-сотди муомаласига таъллуқли қонун қабул қилган давлатлардан бири ҳисобланади. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин[33]: Магазинларни ишлаш вақтини тартибга солиш тўғрисидаги қонун. 1950 йил қабул қилинган; Доривор воситалар ва озуқа маҳсулотлари тўғрисидаги Қонун 1955 йил қабул қилиниб, 1984 йили Озуқа маҳсулотлари Қонуни билан ўзгартирилган; Офислар, магазинлар ва вокзалларнинг бинолари тўғрисидаги қонун (1963 й.); Ўғирлик тўғрисидаги Қонун (1968 й.); Товарни тавсифи тўғрисидаги Қонун (1968 й.); Меҳнат ҳимояси тўғрисидаги Қонун. Ушбу қонун бизнесни барча турларига тегишли бўлиб, 1974 йили қабул қилинган; Истеъмол кредити тўғрисидаги Қонун (1974 й.); Товарларни қайта сотиш баҳоси тўғрисидаги Қонун (1976 й.); Товарларни сотиш тўғрисидаги Қонун (1979 й.); Товарларни сотиш ва хизматлар тўғрисидаги Қонун (1984 й.); Торозилар ва ўлчовлар тўғрисидаги Қонун (1985 й.); Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимояси тўғрисидаги Қонун (1987й.).

## II. Чет элларда кооператив савдонинг ўрни ва аҳамияти

Бутун жаҳон миқёсида «Халқаро кооператив альянси» (ХКА) ташкилоти фаолият юритади. ХКА 1895 йили тузилган энг йирик халқаро

---

[33] Гари Джонуз. «Торговый бизнес: как организовать и управлять» М.: «ИНФРА-М», 1996. С. 281-289.

ташкилотлардан бири ҳисобланади. Уни БМТ, уни махсус органлари – ЮНЕСКО, МОТ, ЮНИДО, ФАО кабилар қўллаб-қувватлайди ва уларда ХКА-нинг вакиллари бор. ХКА дунёда мавжуд барча кооперативлар, жумладан матлубот кооперациясининг манфаатларини ҳимоя қилади. ХКА дунёнинг 70 дан ортиқ давлатларидан таркиб топган ва 500 млн. кишидан иборат аъзолари бор. Унинг таркибида 1971 йили ташкил қилинган чакана савдо бўйича матлубот кооперацияси халқаро ташкилоти «ИТЕРКООП» ташкил қилинган. Унинг ваколатхоналари Европа, АҚШ, Осиё, Африка, Океания ва Лотин Америкаси давлатларида мавжуд. Унда иккита озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари секторлари мавжуд.

«ИНТЕРКООП»нинг асосий мақсади ушбу товарларни жаҳон бозорларида харид қилиш, ўзаро товар айрибошлашни кенгайтириш, чакана савдо масалалари бўйича тажриба алмашуви ва бошқа муаммоларни ҳал қилишдан иборат.

Дунёнинг кўпчилик давлатларида матлубот кооперацияси тўғрисида махсус қонун қабул қилинган. Жумладан, Россияда 1992 йили 19 июнда «Россия Федерациясининг матлубот кооперацияси (матлубот жамиятлари, уларнинг бирлашмалари) тўғрисида қонун қабул қилинган.

Собиқ Совет иттифоқи Республикалари 1991 йили март ойида «Халқаро кооператив Кенгашини» (ХКК) (Қозағистон, Қирғизистон, Латвия, Молдовия, Тожикистон, Ўзбекистон матлубот кооперацияси бирлашмалари ва Москва ҳудудий матлубот кооперацияси уюшмаси) ташкил қилишди. Кейинчалик унинг таркибига бошқа Республикалар ҳам кирди. 1992 йили «ХКК» «ХКА»га аъзолигига қабул қилинди[34].

Савдода кооперациянинг аҳамияти унинг товар таъминоти каналларида қандай ҳиссага эга эканлиги билан белгиланади. Кооперативларнинг роли ҳар хил давлатларда бир хил эмас: уларнинг товар айланишидаги ҳиссаси Скандинавия давлатларида юқори. Масалан, Швецияда кооперативлар озиқ-

[34] Материалы общего собрания Межкоопсовета «О десятилетии со дня основания Межкоопсовета. Ереван, 2001. с. 1.

овқат товарларини сотиш бўйича 25,0 % ва барча товарлар бўйича 13,0 % товар айланишини таъминлайди. Буюк Британия ва Швейцарияда умумий товар айланишининг 10,0 % Финландияда – 35,0 % Германия, Белгия, Италия ва Францияда ушбу кўрсаткич камроқ. Масалан, Францияда кооперативлар 3,0 млн. истеъмолчиларни бирлаштиради. Озиқ-овқатлар товар айланишида 4,1 %, ноозиқ-овқатларда – 2,1 % ва умумий товар айланишининг 2,3 % ташкил қилади[35].

1999 йили ХКА-нинг октябр 1999 йилги Квабек-Сити (Канада)да ўтказилган конгрессида АҚШ кооператив ассоцияси Президенти П.Хейзен ўз маърузасида АҚШда 47 мингта кооперативлар, 120 млн. (АҚШнинг 40,0 % аҳолиси) аъзоси борлигини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид кооперативларининг сони 300 га яқинлиги ва уларнинг йиллик товар айланиши 100,0 млрд. долларни ташкил қилишини қайд қилган[36].

Ривожланган давлатлар ичида Швеция кооператорларини тажрибаси намунали. Швецияда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юқори даражада бўлиб, унда ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 25,0 минг АҚШ доллар тўғри келади. Ушбу кўрсаткич бўйича Швеция фақат Япония, Норвегия, Исландия, Дания ва Швейцариядан орқада, социал таъминотда нафақаларга харажат ялпи ички маҳсулотни 38,0 % ташкил қилади ва жаҳонда энг юқори кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда Швеция кооперативлар иттифоқи алоҳида ўрин эгаллайди. Чет эл тажрибаларидан маълумки, матлубот кооперациясида ўз аъзоларини моддий рағбатлантириш кенг ишлатилади. Яъни «бонус» тизими бўйича баҳолардан чегирма (скидка) бериш. Чегирма миқдори сотиб олган товарлар ҳажмидан боғлиқ.

Швецияда «Одна крона – одно очко» («Бир крона – битта очко») усули кенг тарқалган. Кооператив магазиндан сотиб олинган товарнинг ҳар бир

[35] Крие А., Жаллэ Ж. Внутренная торговля: Пер. с Французского. М.: Изд. «Прогресс» - «Универс». 2003. С. 139.
[36] Новейшие тенденции развития кооперативов в современном мире. Материалы, Конгресса Международного кооперативного альянса, Квабек-Сити (Канада),, 1999, с. 6.

«крона»си очко келтиради ва очколарнинг умумий суммаси чек олиш ҳуқуқини беради. Чекга эса бошқа (янги) товар сотиб олиши мумкин.

1999 йили Швеция кооперативлар иттифоқидаги тартиб бўйича 7,5 минг очкога битта чек; 15 мингга – учта чек; 22,5 мингга – 4 чек; 30 мингга – 6 чек; 45 мингга – 12 чек; 60 мингга – 15 чек олиш мумкин бўлган.

Бундай тартибда бонус бериш усули Буюк Британияда, Финландия, Норвегия, Данияда ва бошқа давлатлар матлубот кооперацияси тизимларида ҳам қўлланилади[37].

Швеция кооперативлар иттифоқи тизимида «Кўпфункционалли пластик карточкалар» ишлатиш тажрибаси жуда аҳамиятли. Пластик карточкалар депозити бўйича 5,0 % йилилк тўлов карточка эгаларига тўланади. Бу ҳар қандай тижорат банкининг фоизидан юқори.

Швециядаги чегирма тизими асосида пайшикларга конкрет товарни сотиб олиш учун купон берилади ва чегирма миқдори 5,0 % дан 25,0 %ни ташкил қалади.

Швеция кооперативлар иттифоқи тизимида «Яшил консум»; «Дискуант-магазин»; «Гипермаркет» «ОБС» ва ҳар хил ихтисослашган магазинлар формати кенг ривожланган. «Яшил консум»дан 435 та мавжуд бўлиб уларнинг 50 та йирик, савдо майдони 1000 дан то 2500 кв. метрга тенг, 385 таси ўртача корхона ҳисобланиб савдо майдони 300 дан то 800 кв. метрга тенг.

Магазин-Дисконтларнинг савдо майдони 1000 кв метргача бўлиб, уларда товарлар ассортименти 3-4 минг хил номга етади.

Гипермаркетларнинг савдо майдони 20 минг кв. метрдан кам эмас, товарлар ассортименти 25 минг хил ва ундан кўпроқ.

Ҳозирги даврда Японияда матлубот кооперацияси иттифоқи тизими 655 та матлубот кооперативлари бирлаштириб, 12,5 млн. аъзоси бор. Японларнинг ўнтадан биттаси кооперациянинг пайшиги бўлиб ҳисобланади.

[37] Новейшие тенденции развития кооперативов в современном мире. Материалы конгресса Международного кооперативного альянса, Квабек-Сити (Канада), 1999. С. 5.

Уларда 2 мингдан ортиқ магазинлар ва алоҳида махсус посилка савдоси тизими мавжуд.

Японияда махсус қишлоқ хўжалиги кооператив савдоси институти фаолият кўрсатади.

### III. Савдода интеграция жараёнлари

Чет эл чакана савдо шаҳобчаларининг интеграциялашуви масаласида Россия Федерациясини тажрибаси Ўзбекистон шароитига мосроқ келади деб ҳисоблаймиз. Бунга мисол қилиб уларда ташкил қилинган «Ихтиёрий шаҳобчалар»ни келтириш мумкин. «Ихтиёрий шаҳобчалар» бир нечта мустақил савдо корхоналари томонидан ташкил қилинган бирлашма ҳисобланади. Бирлашмага ихтиёрий равишда нафақат алоҳида чакана савдо корхоналари, кўплаб магазинлар кириши мумкин. Улар нотижорат ассоциациялар ёки иттифоқлар каби бирлашиши мумкин. Россияда 2001 йили қуйидаги йирик чакана савдо шаҳобчалари: «Старик Хатобович», «М.видео», «Спорт мастер», «Арбат Престиж», «Седьмой конбинент» МВО, компания «Куда.чи»лари Союз-пула «Шесть Семерок» стратегик иттифоқини тузиш тўғрисида эълон қилишди. «Перекресток», «Копейка», «Дикси» ва «Мегамарт» савдо корхоналари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида альянс тузишди. Ушбу бирлашмаларни асосий функцияси ички савдони манфаатларини ҳимоя қилиш, уни ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш, Россияни ва хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ҳамда жорий қилишдан иборат[38].

Чет эл тажрибаларида горизантал интеграция – бир хил типдаги савдо корхоналарини бирлашмаси ҳам вертикал (тармоқлараро) интеграциялар асосий ўринни эгаллайди. Вертикал интеграция деганда функционал бир-бирига боғлиқ ишлаб чиқарувчилар, воситачилар, сотувчилар ва ушбу маҳсулотни истеъмолчиларининг вертикал бўйсиниш қоидаси асосида интеграциялашуви тушунилади.

[38] О.В.Чкалова. «Торговое дело», М.: ООО издательство «Эксмо», 2008, с. 47.

Вертикал интеграция чакана савдо корхоналарини товар ишлаб чиқарувчилар билан бирлашиши; чакана савдо корхоналари билан улгуржи савдони бирлашиши; диверсификация қилиниши, яъни молия саноат гуруҳларини (МСГ) ташкил қилинишида ўз аксини топади.

20 дан ортиқ мамлакатларда озиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг интеграциялашган бирлашмалари мавжуд. Уларнинг барчаси «Спар» деб номланиб «Халқаро озиқ-овқатлар улгуржи ва чакана савдосини ихтиёрий занжирли бирлашмаси»ни ташкил қилган. Масалан, Япониядаги «Спар» бирлашмаси асосан унча катта бўлмаган 15 та улгуржи ва 1386 та чакана савдо корхоналарини бирлаштиради. Бундай типдаги бирлашмалар Италия, Испания, Франция, Германия, Буюк Британия, Австрия каби давлатларда кенг тарқалган.

## IV. Савдо шаҳобчаларини тип (формат)лари ва ихтисослашуви (диверсификация жараёни)

Жаҳон амалиётида савдо корхоналарига магазинлар, павильонлар, киосклар, палаткалар, савдо автоматлари киритилади. Савдо корхоналари бир қанча типларга бўлинади. Чет эл адабиётларида «тип» сўзини ўрнига «формат» сўзини ишлатилиши учраб туради.

Россия Федерациясида чакана савдо шаҳобчалари қуйидаги типларга таснифланади[39]: Универмаг, Универмаг «Детский мир», магазин-склад, гипермаркет, Универсам (Супермаркет), гастроном, озиқ-овқатлар (мини-маркет), «Кундалик эҳтиёж товарлари», «Ноозиқ-овқат товарлари», ихтисослашган магазин, ихтисослашмаган магазин, савдо уйи, комиссион магазин.

Рирожланган давлатларда чакана савдо ҳар хил каналлар орқали амалга оширилади. Буюк Британиядаги «Евромонитор» ташкилотининг маълумотига кўра Францияда аҳолига сотилган товарларнинг 80,6 % чакана

[39] РФ ГОСТ Р 51773-2001 «Розничная торговля. Классификация предприятий».

савдо шаҳобчалари, 2,8 % булочный магазинлар, 2,7 % улгуржи савдогарлар, 5,0 % саноат фирмалари орқали сотилган.

АҚШ магазиндан ташқи савдо (почта, телефон, электрон савдо, автоматлар ва ҳ.к.) чакана савдо айланмаси 12,0 % ни ташкил қилади.

Магазинларнинг типлари ҳар хил белгилар орқали таснифланади. «Евромонитор» таклифи бўйича магазинларнинг қуйидаги типлари тавсия қилинган:

- истеъмол бозорлари, савдо майдони 1000-2500 м.кв. ва кенг товарлар ассортименти билан савдо қилади (Германия ва Австрияда кенг тарқалган);
- «конвиниенс сторз» - кундалик эҳтиёж товарлари билан савдо қилади;
- Универмаглар, савдо майдони 2400 м.кв. ва 25 кишидан кам бўлмаган сотувчилар ишлайди;
- дисконт магазинлар, паст баҳоларда товарлар сотиш билан шуғулланади;
- гипермаркетлар, савдо майдони 10-50 минг м.кв. ва товарлар номенклатураси 25-50 минг турни ташкил қилади. Европа савдо институтининг маълумотларига кўра Европада энг йирик гипермаркетлар ичида Carrefouz (823 савдо шаҳобчаси), Leclerc (391), Auchan (321), Casino (299) туради. Германияда гипермаркетлар 1960 йилларда ташкил қилина бошлаган, Европа савдо институтининг маълумотлари бўйича бошланишда 50 гипермаркетлар ташкил қилинган бўлса 1980 йилда – 1323 та, 2006 йилда эса 2600 тага етган;
- супермаркетлар, Европа савдо институтининг маълумотига кўрап уларнинг савдо майдони 800 дан 2000 м.кв. ташкил қилади. АҚШда озиқ-овқатларнинг 70,0 %, Бразилияда – 31,0 %, Польшада – 13,0 % супермаркетлар орқали сотилади. AC Nielsen агентлигининг маълумотларига кўра Москва шаҳрида умумий товар айланишини 10,0 % супермаркетлар ташкил қилади;

- «Верайети» - 1500 м.кв. савдо зали бўлиб, унда истеъмолчилар ўзига-ўзи хизмат қилади.

Чет давлатларининг ижобий тажрибаларидан барча чакана савдо шаҳобчаларини вақти-вақти билан рўйхатдан ўтказиб туриши ва уни натижаси бўйича магазинларнинг типлари, жойлашиши, товарлар номенклатураси ҳисобга олинади.

Ҳозирги вақтда чет элларда «Фирменный» магазинлар кенг тарқалмоқда. Тарихдан маълумки биринчи «Фирменный» магазин Москвада 100 йил олдин ташкил қилинган экан.

АҚШ, Япония, Франция, Россия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда «Савдо уйлари» кенг тарқалмоқда.

Капиталли концентрацияланиши ва уни диверсификацияланиши натижасида «Молиявий-саноат гуруҳлари» (МСГ) вужудга келишига олиб келди. Ҳозир МСГ кўп тармоқли комплексларга ва конгломератларга айланмоқда. Россияда улар истеъмол товарлари бозорига ҳам кириб келди.

Ғарбий Европа давлатларида савдода харидорларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш технологияси кенг тарқалган. Австрия, Белгия, Дания, Финландия, Франция, Германия, Буюк Британия, Нидерландия, Норвегия, Швеция ва Швейцариялар халқаро ўз-ўзига хизмат қилиш ташкилотининг аъзолари бўлиб ҳисобланади.

Бундай магазинларнинг умумий озиқ-овқат товарлари магазинларининг товар айланишидаги ҳиссаси Белгияда – 29,7 %, Швецияда – 100,0 %, Буюк Британияда – 50,0 %. Ривожланган давлатларнинг кўпчилигида гипермаркетлар, супермаркетлар, универмаглар ва суперстерлар ҳисобланади.

Италияда ўз-ўзига хизмат қиладиган супермаркетлар 50-йилларда ташкил қилинган бўлиб, 90-йилларга келиб уларнинг сони 2200 дан ортиб кетган.

## V. Савдо соҳасига кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш

Буюк Британиянинг Стирлинг Университетининг «Чакана савдони ўрганиш институти» томонидан жаҳоннинг ҳар хил регионлари бўйича ривожланган давлатлар чакана савдо раҳбарлари билан ўтказилган анкета сўровида яқин 5-10 йил давомида савдо соҳасига етук мутахассислар ва тажрибали раҳбарлар етишмаслиги аниқланган. Ушбу муаммони ҳар бир давлат ўзининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишмоқда. Бу масалада Япония етарли тажрибага эга. Япониянинг Кобе шаҳрида махсус чакана савдо соҳаси учун мутахассислар тайёрлайдиган Университет фаолият кўрсатади. Японияда махсус «Қишлоқ хўжалиги кооператив савдоси институти» ҳамда хусусий тадқиқотлар компанияси «Сентрл Рисерч Сервис» савдо соҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

Буюк Британияда махсус «Чакана савдо институти», «Озиқ-овқатлар тақсимоти институти» ва «Оксфорд чакана савдо менежменти институти» чакана савдонинг ҳолатини ўрганади.

Россияда Москва вилоятининг Перловка шаҳрида кооператив Университет, Новосибирскда Матлубот кооператив университети, Ленинграда Савдо-иқтисодий университети, Москва Плеханов номидаги Академия қошидаги махсус институти, Белгород кооператив институти, Украинада Киев ва Львов шаҳарларидаги савдо-иқтисодий академиялар, Полтова кооператив университети, Белоруссияда Гомель кооператив институти кабилар савдо соҳаси учун мутахассислар тайёрлайди. Булардан ташқари барча ХДМда савдо соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган махсус олий ўқув юртлари ташкил қилинган.

## VI. Бозорни ўрганиш, тадқиқот қилиш, маркетинг ва савдо тўғрисида статистика

Чет эл давлатларида ички ва ташқи савдо ҳолатини ўрганиш, унга баҳо бериш масалаларига катта эътибор берилади.

Истеъмол товарлари бозорининг ҳолатини тадқиқот қилиш, баҳолаш масалаларига ўз эътиборини қаратадиган ёки функционал ушбу вазифаларини бажарадиган халқаро ташкилотлар мавжуд. Улар қаторига БМТнинг «Статистик бюро»си, Халқаро валюта фонди (МВФ), Бутун жаҳон савдо ташкилоти (ВТО), Халқаро кооператив Альянси (МКА), Халқаро меҳнат ташкилоти (МТО), Европа маркетинг қўмитаси, Халқаро Маркетинг Ассоциацияси, Россия Маркетинг Ассоциацияси, Америка Маркетинг Ассоциацияси, Халқаро ўз-ўзига хизмат қилиш ташкилоти (Международная организация самообслуживания), «Евромонитор», Халқаро кооперативлар кенгаши – МХДдаги кооператив ташкилотларининг ихтиёрий бирлашмаси (28 март 1992 йили ташкил қилинган).

Кўплаб давлатларда истеъмол товарлари бозорининг ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш университетлар, илмий-тадқиқот институтлари, компаниялари, (жумладан хусусий илмий-тадқиқот компаниялари) масалалари билан шуғулланади. Масалан, Кёльн университети, унинг ҳузуридаги Кёльн савдони тадқиқот қилиш институти ҳамда Кёльн ўз-ўзига хизмат кўрсатиш институти.

Ушбу масалага чет элларда оммавий ахборотлар воситалари катта аҳамият беради. Бунга мисол сифатида «Fortune» журнали ҳар йили 500 та йирик савдо компанияларининг (АҚШдан бошқа давлатларда фаолият кўрсатаётган) рўйхатини ва кўрсаткичларини чоп этиб, уларнинг рейтингини аниқлайди. Худди шундай «Asia Week» журнали Осиё давлатларидаги 1000 та савдо компаниялари тўғрисида, «Financial Times» газетаси «Fortune» журнали билан ҳамкорликда дунёдаги 500 та энг йирик корпорациялар тўғрисида маълумотлар чоп этиб туради.

Буюк Британияда «Retait Intellizence» ташкилоти, чакана савдо банки «Retail Knawledge Bank» йирик чакана савдо компаниялари тўғрисида маълумотлар тўплаб, уларнинг рейтингини аниқлашади[40].

---

[40] Д.Ферни, С.Ферни, К.Мур «Принципы розничной торговли», М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2008. С. 4-17.

Чет эл давлатларидаги савдонинг ҳолати тўғрисида маълумотлар чоп этиб турадиган оммавий ахборот воситаларига қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

«**АҚШ**: «The journal of commerce», «The New York times», «Baron's (national bussines and financial weekly)», «Bussines week», «Fortune».

**Япония**: «Orental economist», «Japan economic journal», «Look Japan. Tye newspaper of industry», «Trade and industry of Japan», «Industrial Japan».

**Германия**: «Handelsblastt», «Aussenhandelsdienst», «Weltwirschaft».

**Буюк Британия**: «The financial times», «The economist», «The banker», «The ekonomia journal», «Investors chronicle».

**Франция**: «Statistique et etudes financieres», «Economie et politique», «Les echos», «L'Usine Nouvelle».

**Италия**: «Review of the economics conditions in Italy», «Revista di politica economica», «Informazioni per il commercio estero»[41].

Чет элларда бозорнинг ҳолатини барча йирик, айрим ўрта ва майда компаниялар томонидан ўрганилади. Уларда ушбу масала билан шуғулланиш учун махсус тадқиқот бўлимлари ташкил қилинган.

Хорижий давлатларнинг илғор, ўзига хос хусусиятга эга бўлган тажрибаларидан бири чакана савдо шохобчаларини вақти-вақти билан махсус рўйхатдан ўтказиш тартибидир. Масалан, АҚШда ҳар 5 йилда, Германияда 5-10 йилда, Англия ва Францияда 20 йилда ўтказилиб турилади.

Савдода чет эл тажрибаларидан посилка савдоси, автоматлар орқали савдо, фирма магазинлари, электрон (Интернет) савдоси кенг тарқалганлигини таъкидлаш мумкин.

Япония аҳоли жон бошига савдо автоматлари орқали товарлар сотишда дунёда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Автоматлар орқали Японияда 40,0% алкоголсиз ичимликлар, сигаретлар сотилади. Уларда магазин орқали сотиш одат бўлган бир маротаба ишлатиладиган фотоаппаратлар, қоғоз пленкалар, ҳаттоки заргар буюмлари ҳам сотилади.

[41] А.С.Буров «Конъюнктура мировых рынков товаров и услуг, М.: «Экзамен», 2005. С. 80.

Дунёда биринчи автоматлаштирилган ва роботлаштирилган савдо корхонаси «Сейбу» 1983 йили Токиода очилган.

Савдонинг «Юқоритехнологик» шакли электрон савдо 1990 йилдан бошлаб амалиётга жорий қилина бошланди.

Ҳозирги кунда жаҳонда энг йирик интернет-компания «Tesco.com» ҳисобланади. Ушбу компаниянинг хизматидан 2002 йили Буюк Британиянинг 95,0 % аҳолиси фойдаланган. Компания асосан озиқ-овқатлар билан савдо қилади ва 273 та магазин-интернет шаҳобчалари орқали товарларни етказиш билан шуғулланади[42]

[42] Д.Ферни, С.Ферни, К.Мур «Принципы розничной торговли», М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2008. С. 385.

# II-БОБ. Самарқанд вилоятида ички савдонинг ҳозирги ҳолати таҳлили

## 2.1.Самарқанд вилоятининг умумий ижтимоий-иқтисодий тавсифи

Республикадаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда ҳар бир ҳудуднинг муносиб ҳиссаси бор. Шу сабабли, мамлакатдаги муайян маъмурий худуднинг ривожланиши ва унинг ҳозирги ҳолатига баҳо беришда, дастлаб унинг ижтимоий-иқтисодий тавсифини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳудудларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва истиқболи кўп жиҳатдан унинг географик жойлашувига, ишлаб чиқариш кучларининг ҳамда ижтимоий ва иқтисодий инфраструктураларнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган[43]. У республиканинг марказида жойлашган бўлиб Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тожикистон давлати билан чегарадош ҳисобланади.

Самарқанд вилояти аҳоли сони 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 3380,7 минг кишини ташкил қилган ва бу кўрсаткич 2007 йил (3015,2 минг киши) га нисбатан 10,3 % га ўсган. Аҳоли зичлиги 2013 йил 1 январь ҳолатига 1 $м^2$ га 201,2 кишини ташкил қилади. Аҳолисининг 38,8 фойизи шаҳарларда 1 миллион 312 минг 900 киши (эркаклар – 649,1 минг, аёллар – 663,8 минг), қолган 61,2 фойизи эса қишлоқ жойларида 2 миллион 67 минг 800 киши (эркаклар - 1041,9 минг, аёллар – 1025,9 минг) истиқомат қилишади[44].

Унда 14 та маъмурий туманлар ва қишлоқ ҳудудлари мавжуд: Оқдарё (Лойиш қўрғончаси), Булунғур (Булунғур шаҳарчаси), Жомбой (Жомбой шаҳарчаси), Иштихон (Иштихон шаҳарчаси), Каттақўрғон (Пайшанба қўрғончаси), Қўшрабод (Қўшрабод қишлоғи), Нарпай (Оқтош шаҳарчаси), Нуробод (Нуробод шаҳарчаси), Пойариқ (Пойариқ шаҳарчаси), Пастдарғом

[43]Ўзбекистон 2011 Альманахи. –Т.: Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011, 102 бет.
[44] Самарқанд вилоятининг паспорти 2013 йил, 2 бет.

(Жума шаҳарчаси), Пахтачи (Зиёдин қўрғончаси), Самарқанд (Гулобод қишлоғи), Тайлоқ (Тайлоқ қишлоғи), Ургут (Ургут шаҳарчаси).

Вилоятнинг маъмурий маркази — Самарқанд шаҳри ҳисобланади. У республикадаги энг йирик маданият, илм ва фан марказларидан бири ҳисобланади. Самарқанд вилоятида аҳолининг таълим-тарбия олиши учун бир нечта умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, спорт ва мусиқа мактаблари, 6та олий таълим муассасалари, 4 та театр, музейлар ва кутубхоналар фаолият юритишмоқда

Самарқанд вилояти иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятларига нисбатан юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Унда қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқлари ва туризм соҳалари ривож топган.

Самарқанд вилояти табиий бойликларга бой. Вилоят ҳудудида, хусусан, вольфрам, мис, оҳак, мармар, гипс, керамзит, алюминий, гранит ва бошқа конлар мавжуд.

Вилоят Ўзбекистоннинг йирик саноат марказларидан бири ҳисобланади. Вилоятда "Самарқанд автомобил заводи", “8-Март” масъулияти чекланган жамияти, "JV MAN AVTO", "БАТ Ўзбекистон", “Дака Текс”, "Сам-Антеп-Гилам", “Прага-Пиво”, “Агромир Самарканд” қўшма корхоналари, "Самарқандлифт", "Сино", "Самарқандкимё" акционерлик жамиятлари каби кўплаб мамлакат аҳамиятига молик саноат корхоналари фаолият юритмоқда.

2012 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръати 110,7 фойизни ташкил этди. Бунга, аввало саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари, шунингдек, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 3,1 фойизга, қишлоқ хўжалик 6,1 фойизга, чакана савдо 20,2 фойизга, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 16,6 фойизга кўпайши ҳамда мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш ҳисобига эришилди.

Натижада вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми белгиланган прогнозга нисбатан 0,8 бандга ўсишига эришилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 76,3 фойизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 43,1 фойизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 0,7 бандга камайган бўлса, саноатнинг улуши 0,8 бандга, қурилиш соҳаси 0,3 бандга, транспорт ва алоқа 0,2 бандга ошди.

2012 йилда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ўтган йилга нисбатан 161 минг сўмга, жами хизматлар 150,6 минг сўмга, пуллик хизматлар 96,4 минг сўмга, истеъмол товарлари 71,4 минг сўмга, қишлоқ хўжалиги 24,1 минг сўмга, чакана товар айланмаси 239,3 минг сўмга ошди.

Жалб қилинган инвестициялар ҳажми 1,4 трлн. сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 26,7 млн. долларни ташкил этди[45].

Хизматлар таркибида савдо хизмати алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, у ишлаб чиқаришда, истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларда, давлат сиёсатида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўз аксини топган. Савдо хизмати иқтисодий муносабатлардаги барча хизмат турларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан бевосита ва билвосита тарзда алоқага киришади.

Савдо муҳим иқтисодий тармоқ сифатида ижтимоий меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчиси. Унда асосан товарларни сотиш билан ва айирбошлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар рўй беради.

Вилоят хўжалиги қадимдан яхши тараққий этган. Ҳозирги кунга келиб замонавий саноат тармоқлари ривожланиб бормоқда. Вилоятда қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари етакчи ўринда туради.

2012 йилда Самарқанд вилоятида жами 2577,1млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2011 йилга нисбатан 16,3 фойизга кўп демакдир. Чакана савдо ҳажми 20,2 фойизга оширган. Ҳозирги жаҳон

[45] http://samarkand.uz/uzc/general_information

молиявий иқтисодий инқирози таъсири давом этаётган шароитда жаҳон бозорларида товарларга бўлган талабнинг кескин пасайиб боришига қарамай Самарқанд вилоятида экспорт ҳажми 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 6,6 фойизга кўпайган (2.1.1-жадвал).

**2.1.1-жадвал**

**Самарқанд вилоятининг 2009-2012 йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичлари**

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Саноат ишлаб чиқариш | млрд.сўм | 1141,7 | 1604,7 | 2004,2 | 2577,1 |
| | Ўсиш суръати | % | 112,0 | 119,8 | 111,4 | 116,3 |
| 2 | Истеъмол моллари | млрд.сўм | 884,3 | 1326,9 | 1448,4 | 1711,7 |
| | Ўсиш суръати | % | 118,1 | 120,5 | 109,2 | 103,1 |
| 3 | Капитал қўйилмалар | млрд.сўм | 551,4 | 878,8 | 1113,2 | 1356,6 |
| | Ўсиш суръати | % | 120,1 | 140,7 | 111,5 | 110,9 |
| 4 | Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти | млрд.сўм | 1689,3 | 2065,1 | 2546,5 | 3110,1 |
| | Ўсиш суръати | % | 105 | 107,6 | 107,7 | 106,1 |
| 5 | Чакана савдо | млрд.сўм | 1170,5 | 1683,0 | 2171,4 | 3009,7 |
| | Ўсиш суръати | % | 116,8 | 119,9 | 116,9 | 120,2 |
| 6 | Хизматлар жами | млрд.сўм | 1270,6 | 1792,1 | 2284,1 | 2983,6 |
| | Ўсиш суръати | % | 121,6 | 118,5 | 117,3 | 117,6 |
| 7 | Экспорт | млн. АҚШ долл | 151,8 | 109,2 | 133,2 | 142,0 |
| | Ўсиш суръати | % | 74,5 | 67,1 | 121,9 | 106,6 |
| 8 | Импорт | млн. АҚШ долл | 295,4 | 343,2 | 418,6 | 532,3 |
| | Ўсиш суръати | % | 101,1 | 104,4 | 122,0 | 130,3 |

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Самарқанд вилоятида хўжалик юритувчи субъектлар сонида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Айниқса вилоятда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ортиб бормоқда (2.1.2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Самарқанд вилоятида 2011 йилда жами хўжалик юритувчи субъектлар сони 2010 йилга нисбатан 541 (46170-45629) тага кўпайган бўлиб, ўтган йилга солиштирганда 1.2 фойизга ортган. Худди шундай ўсиш суръати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонида ҳам кузатилди. Жумладан, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 435 тага ортган ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатмаётган субъектлар сони 2010 йилга нисбатан 2011 йилда -1793 тага камайган.

**2.1.2-жадвал**

**Самарқанд вилоятида 2010-2011 йиллардаги хўжалик юритувчи субъектлар сони**

(бирлик ҳисобида)

| № | Кўрсаткичлар | 2010 йил | 2011 йил | Фарқи (+,-) | Ўзгариши, % |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Хўжалик юритувчи субъектлар сони | 45629 | 46170 | 541 | 101,2 |
| | Шундан | | | | |
| | Давлат мулки шаклида | 4476 | 4432 | -44 | 99,0 |
| | Нодавлат мулки шаклида. | 41153 | 41738 | 585 | 101,4 |
| 2 | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони | 40923 | 41358 | 435 | 101,1 |
| | *Шундан:* | | | | |
| | Фаолият кўрсатаётгани | 37268 | 39496 | 2228 | 106,0 |
| | Фаолият кўрсатмаётгани | 3655 | 1862 | -1793 | 50,9 |
| 2.1 | Кичик корхоналар сони | 2876 | 2903 | 27 | 100,9 |
| | Фаолият кўрсатаётгани | 2776 | 2851 | 75 | 102,7 |
| | Фаолият кўрсатмаётгани | 100 | 52 | -48 | 52,0 |
| 2.2 | Хусусий тадбиркорлик субъектлари сони | 38047 | 38455 | 408 | 101,1 |
| | Фаолият кўрсатаётгани | 34492 | 36645 | 2153 | 106,2 |
| | Фаолият кўрсатмаётгани | 3555 | 1810 | -1745 | 50,9 |
| 3 | Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони | 180 | 190 | 10 | 105,6 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Шу жумладан | | | | |
| | Республика тасарруфидаги корхоналар | 10 | 10 | - | 100,0 |
| | Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар | 170 | 180 | 10 | 105,9 |
| | Улардан фаолият кўрсатмаётган корхоналар | 17 | 22 | 5 | 129,4 |

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Вилоятда сўнгги йилларда чет эл давлатлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган қўшма корхоналарнинг сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ҳорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 10 тага кўпайган. Бу корхоналар сонининг ортиши, нафақат, вилоятимиз балки республикамиз иқтисодиётининг юксалишига, аҳолининг бандлигини таъминлашга, уларнинг даромадларини оширишга олиб келади.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди (8-жадвал).

Самарқанд вилоятида 2010-2011 йиллар мобайнида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1229,9 минг кишидан 1268,1 минг кишига ортган. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 3,1 фойизга ўсди ва деярли 1268,1 минг кишига етди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари транспорт ва алоқада (110,7 фойиз), қурилишда (104,0 фойиз), уй-жой-коммунал хўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда (103,2 фойиз), саноатда (102,8 фойиз), савдо ва умумий овқатланишда (102,5 фойиз) қайд этилди.

Инсонларнинг моддий ва маънавий хаёт сифатини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий

ресурсларни тежайди, инсоннинг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги оқилона бўлмаган харажатларни қисқартиради, инсонлар хаётини янада мазмунли қилади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, қатламларининг хаётий манфаатларини юзага чиқаради.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эхтиёжларига мослашиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳалари сингари хизматлар соҳасини ҳам устувор даражада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

**2.1.3-жадвал**

**Самарқанд вилоятида 2010-2011 йиллардаги иқтисодиётда банд аҳоли сони кўрсаткичлари**

(минг.киши)

| № | Соҳа ва тармоқлар | 2010 йил | 2011 йил | Фарқи (+,-) | Ўзгариши, % |
|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | 1229,9 | 1268,1 | 38,2 | 103,1 |
| | шу жумладан | | | | |
| 1 | Кишлоқ хўжалигида | 415,9 | 423,8 | 7,9 | 101,9 |
| 2 | Саноатда | 119,3 | 122,6 | 3,3 | 102,8 |
| 3 | Қурилишда | 65,7 | 68,3 | 2,6 | 104,0 |
| 4 | Транспорт ва алоқада | 32,6 | 36,1 | 3,5 | 110.7 |
| 5 | Савдо, умумий овқатланиш моддий таъминот, тайёрлов корхоналарида | 106,0 | 108,6 | 2,6 | 102,5 |
| 6 | Уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат | 34,7 | 35,8 | 1,1 | 103,2 |
| 7 | Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот | 89,5 | 91,6 | 2,1 | 102,3 |
| 8 | Халқ таълими, маданият ва саънатда | 178,3 | 181,4 | 3,1 | 101,7 |
| 9 | Суғурта, молия, ва нафақа жами | 4,6 | 4,8 | 0,2 | 104,3 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 10 | Бошқарув органларида | 17,9 | 18,3 | 0,4 | 102,2 |
| 11 | Бошқа соҳа ва тармоқларда | 165,4 | 176,8 | 11,4 | 106,9 |

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Шу сабабли мамлакатимизни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда.

**2.1.4-жадвал**

**Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш тармоқларининг кўрсатилган умумий хизматлардаги улушлари**

(фойиз ҳисобида)

| Хизмат турлари | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил | 2012 йилда фарқи (+,-) | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2010 йилга | 2011 йилга |
| Савдо ва умумий овқатланиш | 21,6 | 27,4 | 28,8 | 7,2 | 1,4 |
| Транспорт хизматлари | 21,5 | 18,3 | 17,6 | -3,9 | -0,7 |
| Алоқа ва ахборотлаштириш | 4,2 | 7,3 | 6,8 | 2,6 | -0,5 |
| Молия ва банк хизматлари | 7,5 | 7,2 | 7,1 | -0,4 | -0,1 |
| Туристик ва экскурцион ва мехмонхона хизматлари | 1 | 1,1 | 0,9 | -0,1 | -0,2 |
| Коммунал ва маиший хизматлар | 18,7 | 17,0 | 16,6 | -2,1 | -0,4 |
| Бошқа хизматлар | 25,5 | 21,7 | 22,2 | -3,3 | 0,5 |
| Жами | 100.0 | 100.0 | 100.0 | x | x |

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари.

Хизматлар соҳасида савдо (жумладан, умумий овқатланиш) иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши натижасида савдо хизматларига бўлган талаб ўса бошлайди. Иқтисодий ўсиш қанчалик юқори ва иқтисодиётнинг индустриялаштирилиши асосида меҳнат унумдорлиги юксак бўлса, жамиятнинг хўжалик фаолияти шунчалик мураккаблаша боради. Натижада хизмат кўрсатиш хўжалик тузилмаси ўзгаради ва савдо соҳаси хизматига йўналтирилган меҳнат фаолиятининг аҳамияти ортиб боради.

Республикамиз иқтисодиётида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам савдо соҳасини устувор даражада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида, вилоят иқтисодиётида савдо хизматлари сифати яхшиланиб, унинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги улуши, нисбатан, ўсиб бормоқда (2.1.4-жадвал).

2.1.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Самарканд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида энг салмоқли ҳиссани савдо ва умумий овқатланиш корхоналари эгаллаб турибди. Уларнинг умумий хизматлардаги улушлари ўсиш тенденциясига эга: 2012 йили 2010 йилга нисбатан 7,2 фойизга ошган. Айни пайтда бошқа турдаги хизматларнинг умумий хизматлардаги улушлари пасайиб бормоқда. Туристик ва экскурсия хамда мехмонхона хизматларининг жами хизматлардаги улуши пастлигича қолмоқда.

## 2.2. Савдода самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари

Иқтисодий самарадорликни бутун иқтисодиётдаги, унинг тармоқлари ва соҳаларидаги муаммоларининг долзарблиги бир қатор илмий-назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишни талаб қилади. Ушбу масалалар қаторига, бизнинг фикримизча қуйидагиларни киритиш мумкин:

- самарадорликнинг моҳияти ва тушунчаси;
- самарадорлик турларининг (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, техник-технологик, жамият, ҳудуд, корхона миқёсидаги кабилар) ўзаро боғлиқлиги, фарқлари, бир-бирига таъсир қилиш миқдорларини аниқлаш;
- самарадорлик мезонларининг моҳияти, тушунчаси, белгиларини асослаб бериш;
- самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, бир тизимли ҳолатга келтириш;
- самарадорлик кўрсаткичларини танланган объект доирасида тадқиқот қилиш, уларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш;
- самарадорликни оширишнинг йўлларини аниқлаш ва башорат қилиш кабилар.

Юқорида келтирилган масалалар бўйича иқтисодий адабиётларда кўплаб қарашлар мавжуд бўлиб, улар асосан альтернатив характерга эга. Уларнинг умумий томони самарадорлик нисбий кўрсаткич ҳисобланиб, уни «харажат» ва «натижани» солиштириш орқали аниқлашни тавсия қилишади.

Бизнинг фикримизча, самарадорликка бундай бир томонлама ёндошиш муаммоли масала бўлиб, самарадорликни моҳияти, тушунчаси, мезони ва кўрсаткичларини илмий-назарий ва амалий тадқиқот қилишда системали, кенг маънода, ҳар томонлама қараш зарур.

«Эффект» лотинча «ettectus» сўзидан олиниб «Словарь иностранных слов»да таърифланишича «... 1) действие, результат чего-л. (напр. Э.Лечения); 2 впечетление, производимое на кого-л. кем, чем-л.; 3) средство, прием для создания определенного впечетления (напр., световое, шомовие эффекты в театре). Шу луғатда «Эффективный» (лот. ettectus) – дающий

определенный эффект, действенный (напр., э-ные мера). «Эффектный» - производящий впечатление, эффект, привликающий внимание, бросающийся в глаза» деб таъриф берилган[46].

С.И.Ожогов «Словарь русского языка»да юқоридаги таърифларни айнан қайтаради[47].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «самара», «самарадор», «самарадорлик», «самарали», «самаралилик» сўзлари келтирилиб, уларга изоҳ берилган. Унда ёзилишича «самара» - натижа, оқибат. «Самарадор» - кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган; самарали, сермаҳсул. «Самарадорлик» - иқтисодий самарадорлик. Меҳнат самарадорлигини оширмоқ. «Самарали» - самарали иш. Самарали меҳнат. Самарали таъсир кўрсатмоқ. Ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланмоқ деб таъкидланган[48].

Ишлатилаётган сўз, атама (термин)нинг асл мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, самарадорлик, у қайси турда бўлишидан қатъий назар, инсон фаолиятининг «натижасини» англатади.

Самарадорлик тўғрисида фикр юритилганда шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай чора-тадбирлар бир томондан ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара берса, иккинчи томондан иқтисодий самара бериб, ҳар доим, ҳар соҳада ижобий, ижтимоий натижа бермаслиги мумкин.

Натижа ижобий ёки салбий характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, давлатлараро урушлар натижаси бир томон учун ютуқ бўлса, иккинчи томон учун ютқазиш ҳисобланади.

Уран қазиб олиш, уни қайта ишлаш бир томондан ушбу давлат учун иқтисодий ва сиёсий самара берса, бошқа давлатлар учун бу хавф-хатар туғдирувчи омил бўлиб, салбий оқибатларга олиб келади.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, уни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида аҳолининг моддий фаравонлигини

[46] Словарь иностранных слов. – М.: изд. «Русский язык», 1979. – С 609.
[47] Ожогов С.И. Словарь русского языка. «Советская энциклопедия». М.: 1973. – с. 837.
[48] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили» нашриёти. 1981. – 17-бет.

юксалтиришга, яъни ижтимоий самарани оширишга, давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсати – минимал иш ҳақини ошириш, ижтимоий фондлардан имтиёзлар бериш, ўсиб келаётган ёшларни тарбиялаш, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, экологияни яхшилаш, жисмоний тарбияга йўналтирилган харажатлар охир натижада меҳнат унумдорлигини оширишга, ЯИМни кўпайишига, яъни иқтисодий самарани оширишга олиб келади.

Айрим тадбирлар натижасида эса тескари ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, давлат миқёсида узоқ муддатга миллий даромадни жамғарма ва истеъмол фондларига тақсимлашда жамғарма фонди ҳиссаси доимо ошириб борилса, охир натижада аҳолининг моддий фаравонлик даражаси пасайиш ҳолатига олиб келиши муқаррар. Бу эса салбий ижтимоий ҳолатларни вужудга келтиради. Яна бир мисол, агар давлат бюджетини даромад қисмини ошириш ниятида коммунал хизматларга, электроэнергияга, газга ва нефть маҳсулотларига таърифлар асоссиз оширилса, бу аҳолини реал даромадларини камайишига ва ижтимоий ва сиёсий талофатларга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатга 2010 йил 7-10 апрелларда рўй берган Қирғизистон Республикасидаги халқнинг кўтарилиши ва ревалюцион тўнтариш реал мисол бўла олади.

Бундай мисолларни давлатлараро, давлат ичида, тармоқлар, соҳалар, корхоналараро ва уларни ички фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Шу сабабли самарадорликни тадқиқот қилиш, унинг натижасига комплекс қарашлар орқали ва натижаларни бир-бири билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши зарур. Яъни самарадорликни барча турларининг (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа бир-бирининг натижасидан боғлиқ бўлган) ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асосли бўлади. Худди шундай қарашлар самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичларини танлашда ҳам амал қилиниши зарур.

Бизнинг ушбу фикримизни асослашга янги вужудга келган «Институционал иқтисодиёт» фанининг усуллари, қарашлари далил бўлиши мумкин[49].

Илмий-назарий нуқтаи-назардан самарадорликни учта йирик гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: биринчидан, жамият миқёсида; иккинчидан, худудлар миқёсида; учинчидан, хўжалик тузилмалари, субъектлари миқёсида (концерн; холдинг; ассоциациялар; ҳар хил бошқа бирлашмалар; корхоналар; муассасалар ва ҳ.к.).

Ушбу умумий йўналишлар ичида самарадорликни турларга ажратиб тадқиқот қилиш зарур. Самарадорлик турларини умумий ва функционал нуқтаи назардан таснифлаш мумкин.

Умумий самарадорликка: «ижтимоий-иқтисодий»; «иқтисодий»; «ижтимоий»; «сиёсий»; «техник-технологик»; «экологик» кабиларни киритиш мумкин.

Функционал самарадорликка: «ижтимоий ишлаб чиқариш»; «транспорт»; «алоқа»; «савдо»; «умумий овқатланиш»; «маиший хизмат»; «туризм» ва бошқа иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари. Ушбу гуруҳга иқтисодиётни ҳаракатга келтираётган омилларнинг самарадорлиги, яъни ер, капитал, меҳнат самарадорлиги киради. Ушбу омиллар ичида ишлатилаётган ресурслар турлари бўйича ҳам самарадорлик таснифланиши мумкин.

Биз юқорида келтирганимиздек, иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг моҳияти, тушунчасига кўплаб ҳар хил қарашлар мавжудлиги каби, унинг ҳар хил мезонлари ва кўрсаткичлари тасниф қилинади. Кўпчилик муаллифлар самарадорлик нисбий кўрсаткич деб таъкидлаб, у олинган (эришилган) натижа билан харажатлар нисбати орқали аниқланишини тавсия қилишади.

Бизнинг фикримизча «самара», «натижа» ўз табиатига биноан сон ва сифат кўрсаткичларида ифодаланади. Сон кўрсаткичлар сифатида абсолют

[49] Олейник А.Н. «Институциональная экономика». Учебное пособие, М.: «ИНФРА-М», 2005; Тарушкин А.Б. «Институциональная экономика». Учебное пособие, Киев-Харьков-Минск: Издательство «Питер», 2004; «Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория». Учебник, коллектив авторов, 2006.

миқдорлар – қиймат, натурал ва шартли ўлчов бирликларида ифодаланса, сифат кўрсаткичлари сифатида ҳар хил солиштирма, яъни нисбий кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин.

Юқоридаги фикрларини асослаш учун айрим амалий мисоллар келтирамиз.

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги прогрессив техника ва технологияларни ҳар қандай тармоқ, соҳа ва корхоналарга жорий қилиниши улар фаолиятининг ҳажмини, меҳнат унумдорлигини, иш ҳақини оширишга олиб келади ва бошқа кўрсаткичларнинг ижобий ўзгаришларини таъминлайди. Ушбу кўрсаткичларнинг абсолют миқдорини ортиши хўжалик фаолиятининг самарасини ифодалайди;
- транспорт воситаларининг модернизацияланиши, уларнинг тезлигини юқориланиши, комфорт шароитларни яратилиши натижасида транспорт хўжаликларининг миқдор кўрсаткичларини ортишига (пасажирлар сонини ортиши, юк ташиш ҳажмини ортишига, даромадни кўпайиши, харажатларни камайиши) ва сифат кўрсаткичларини яхшиланишига (рентабеллигини ортиши, йўл босишдан фойдаланиш коэффициенти, юк кўтариш коэффициенти, йўл юришнинг ўртача тезлиги) олиб келади. Булар табиати бўйича транспорт воситаларининг самарадорлиги натижасини ифода қилади;
- савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат соҳаси корхоналарида хизматни прогрессив шаклларини жорий этилиши уларнинг иқтисодий, ижтимоий самарадорлигини ва бошқа кўрсаткичларидан фойдаланишнинг самарасини кўрсатади.

Умуман олганда, иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғи ва соҳасини мисолга олманг, илмий-техник прогресс натижасида фаолият натижаси миқдорини ортиши, даромадини кўпайиши, харажатларни қисқариши ва бошқа ижобий ижтимоий ходисаларни рўй беришини кузатиш мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллар самарадорлик категориясини, унинг мезонларини ва кўрсаткичларини кенг маънода тадқиқот этиш зарур эканлигига ишончимизни оширади.

Шу сабабли бизнинг фикримизча, ҳар қандай самарадорлик, ҳар қандай тармоқ, соҳа фаолияти, корхона фаолияти самарадорлиги бўлишидан қатъий назар абсолют миқдорларда (қиймат, натурал, шартли бирликларида) ва нисбий (коэффициентлар, индекслар, фоизлар) кўрсаткичлар орқали аниқланиши лозим.

Бизнинг тадқиқотимиз предмети ва объектига қайтсак, ҳозирги даврда савдонинг самарадорлигини тўғрисида ягона илмий концепция ишлаб чиқилмаган. Савдо фаолиятининг самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари бўйича ҳар хил фикрлар мавжуд.

Айрим муаллифлар савдонинг иқтисодиётдаги самараси миллий даромадни яратилишидаги ҳиссасида намоён бўлади деб ҳисоблашади. Бошқалари бу фикрни инкор этиб, савдонинг самарадорлиги кўрсаткичи сифатида товар айланиш ҳажмини тавсия қилади. Учинчи гуруҳ олимлар даромадни, айримлар фойда, рентабелликни тавсия қилишади. Алоҳида иқтисодчилар товар айланиш ҳажми, даромад ва соф фойдани тавсия қилишади.

Бир қатор олимлар савдонинг иқтисодий самарадорлиги билан бир қаторда ижтимоий самарадорлигига эътибор қаратишади. Ушбу масалада ҳам ягона концепция мавжуд эмас. Айрим иқтисодчилар савдонинг ижтимоий самарадорлигини истеъмолчиларга хизмат қилиш маданияти билан белгилашни тавсия қилишади. Ушбу масала бўйича улар хизмат маданиятини миқдор кўрсаткичлар орқали аниқланиши эҳтимолий эканлигини унутиб қўйишганга ўхшайди. Бир гуруҳ иқтисодчилар товар сотиб олишга сарфланган вақтни тежаш кўрсаткичи, яна бошқа гуруҳ омиллар сифатли хизмат кўрсатиш орқали истеъмолчилар талабини

қондирилиш даражаси савдонинг ижтимоий самарадорлиги белгиланади деб ҳисоблашади[50].

Жаҳон амалиётида савдонинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари орқали чакана савдо бирлашмалари, корпорациялари, ассоциацияларининг рейтингини аниқлаш амалиёти қўлланилади. Чет эл амалиёти тўғрисида сўз юритганда шуни айтиш жоизки, улар чакана савдо ўзининг иқтисодий аҳамияти бўйича аллақачон майда ва оилавий даражадан чиқиб, йирик компанияларга, халқаро аҳамиятли гигант корпорацияларга айланиб кетган ва давлатнинг ялпи ички маҳсулотини яратишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда Буюк Британияда унинг ЯИМдаги 10,5 фоизни[51], Ғарбий Европа давлатларида – 18,0 фоиз[52], Россияда – 22,0 фоиз[53], Ўзбекистонда эса – 9,5 фоиз ни, жумладан Самарқанд вилоятида - 6,4 фоизни[54] ташкил қилади.

Шу сабабли чет элда чакана савдо билан шуғулланувчи энг йирик компаниялар рейтинги сотиш ҳажми; соф фойдаси суммаси; активлар суммаси; умумий активлар рентабеллиги, фоизда (соф фойдани активларга нисбати); хизматчилар сони; битта хизматчига тўғри келган сотиш ҳажми ва фойда суммаси кўрсаткичлари орқали аниқланади. Масалан, журнал «Fortune» ҳар йили АҚШ-ларидаги 500 та энг йирик чакана савдо компаниялари; журнал «Asia Week» Осиё давлатларидаги 1000 та йирик чакана савдо компаниялари рейтингини аниқлайди ва чоп этишади. «Financial Times» газетаси ва журнал «Fortune» ҳамкорликда дунёнинг 50 та энг илғор ва йирик савдо компанияларининг рейтингини аниқлайди ва чоп этишади. Чет эл олимларининг фикрича «сотиш ҳажми (товар айланиши)»,

---

[50] Кулягина Г.Д. Статистика товарного обращения (методология и анализ). М.: «Финансы и статистика». 1989.; «Торговое дело: экономика и онганизация» коллектив авторов, Учебник. М.: «ИНФРА-М», 1997.; Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества». Учебник, М.: «Дашков и К$^0$», 2007.; «Экономика торгового предприятия», коллектив авторов, Учебник. М.: «Экономика», 1997.; Раицкий К.А. Экономика предприятия, Учебник, М.: «Маркетинг», 2003.; Давыдянц Д.Е. «Показатели и оценка эффективности экономики в условиях рыночных отношений (Макро и микроуровни)», Ставрополь «Кавказский край», 1998.; Сребник Б.В. «Экономика торговли» Учебник, М.: «Высшая школа», 1989.; Джоунз Г. «Торговый бизнес: как организовать и управлять» Пер. с англ. – М.: «ИНФРА-М», 1996.; Ферни Д., Ферни С., Мур К. Принципы розничной торговли Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2008.

[51] Ферни Д., Ферни С., Мур К. Принципы розничной торговли Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2008. С. 3.

[52] Чкалова О.В. «Торговое дело» М.: ООО Издательство «Эксмо», 2008. С. 11.

[53] Ўша жойда.

[54] Торговля в Узбекистане 2009, Госкомстат Узбекистана, 2009 С. 12.

«Соф фойда суммаси», «активлар суммаси», «меҳнат унумдорлиги» ва «Товар айланишга нисбатан фойда нормаси» ёки унинг бошқа модификацияси АҚШ, Буюк Британия, «Германия, Франция, Япония ва бошқа ривожланган давлатларнинг фирма ва компаниялари томонидан савдонинг самарадорлиги кўрсаткичи сифатида ишлатилади. Масалан, «Pepsi-Cofa», «Ford», «Samsung», «Dupon de Nemur», «Monsato», «Panasonic», «Technics» ва бошқа йирик компаниялар юқоридаги кўрсаткичларни ўз фаолиятининг самарадорлигининг кўрсаткичи сифатида ишлатишади[55].

Юқоридаги илмий-услубий мулоҳазалар ва чет эл тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда савдо соҳаси самарадорлигининг мезонлари (меъёрлари) ва кўрсаткичлари тўғрисида ўз қарашларимизни изҳор қиламиз.

«Критерия» сўзи грекча «Kriterzin» сўзидан олинган бўлиб, унинг асосида нимагадир баҳо бериш аломати, нимадир аниқланиши ёки таснифи, ўлчови деган маънони билдиради[56]. «Критерия» атамасининг ўзбекча маъноси «мезон» сўзини англатади.

Мезонни ходисалар, жараёнлар, ҳолат ва бошқаларни сифат мазмунини ўлчови, улар тўғрисидаги фикрнинг аломати деб тушуниш лозим. Унинг сон ўлчовлари кўрсаткичларда ўз аксини топади.

Савдо соҳаси, корхоналарининг самарадорлиги мезони тўғрисида фикр юритганда тизимли таҳлил, тизимли муносабатни ишлатиш лозим. Самарадорлик мезони ходисалар, жараёнлар ва ҳолатни сифат белгиси сифатида тизимни, тармоқни ёки корхонани фаолият юритишининг мақсадини акс эттириши зарур.

Савдо соҳасининг мақсади икки томонлама характерга эга бўлиб, бир томондан, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини тўлароқ қондириш бўлса, иккинчи томондан оптимал миқдорда фойда олиш ёки оптимал рентабелликка эришишдир.

---

[55] Зубков В. «Как измеряется производительность труда в США». – М.: Финансы и статистика. – 1990. – 140 с.; «Как работают японские предприятия». – М.: «Экономика», 1989. – 262 с.; Изюмов А. «США: норма прибыли и экономика». – М.: Наука, 1988. – 170 с.; Матвеева А. Организация статистики в Японии. Журнал «Востник статистики». – 1990. - № 4. – С. 44-48.

[56] Словарь иностранных слов. М.: Русский язык. 1985. С. 262.

Ушбу кўрсаткичларни максималлаштириш савдо соҳаси, корхонаси самарадорлигининг мезони бўлиб ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибасидан шундай хулоса қилиш мумкин: бош мақсад энг юқори иқтисодий натижага эришиш, яъни максимал фойда олиш. Ушбу мақсадга эришиш воситаси сифатида аҳолини истеъмол товарларга талабини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Ушбу мақсад ва унга эришиш воситаси ўртасида сабаб ва оқибат алоқалари ётади. Сабаб ўзаро таъсир бўлса, оқибат – бу ўзаро таъсир натижасидир. Бундай ҳолатдан келиб чиқсак сабаб аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш бўлса, натижа максимал (ёки оптимал) фойда олиш бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқори фойда олишни таъминловчи сабаб сифатида аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган назарий хулосалардан келиб чиқсак, савдо соҳаси, корхонаси самарадорлигининг ўлчов бирлиги сифатида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур эканлигини асосламоқда.

Савдонинг самарадорлигини ўлчаш ва баҳолашни қуйидаги аломатлар бўйича гуруҳлаш зарур:

биринчидан, умуман миллий иқтисодиёт манфаати нуқтаи назаридан;

иккинчидан, истеъмолчи (аҳоли) манфаати нуқтаи назаридан;

учинчидан, савдо корхонаси (мулкдор, бошқарув ходимлари ҳамда ишчилар) манфаати нуқтаи назаридан.

Миллий иқтисодиёт манфаати нуқтаи назаридан савдонинг самарадорлиги кўрсаткичи сифатида «Савдонинг мамлакат ялпи ички махсулотини яратишдаги ҳиссаси» ёки «миллий даромадни яратишдаги ҳиссаси» қўлланишини тавсия қиламиз.

Истеъмолчилар манфаати нуқтаи назаридан аҳолининг минимал истеъмол саватчасини қондириш (қиймат кўрсаткичларда): аҳоли жон бошига тўғри келадиган товар айланмаси (товар гуруҳлари бўйича) истеъмол товарларининг физиологик ва рационал нормалари билан солиштирма

кўрсаткичи; аҳоли харид фондини чакана товар айланиши билан қамраб олиши кўрсаткичларини ишлатиш мумкин.

Савдо соҳаси ёки корхоналари манфаати нуқтаи назаридан: - чакана товар айланишининг (ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда) ҳажми ва унинг ўсиш суръатлари; фойдани товар айланишига (ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда), капиталга, иш ҳақи фондига нисбатан (рентабеллик кўрсаткичлари); меҳнат унумдорлиги (товар айланишини ишчилар сонига нисбати) миқдорини ортиши ва ўсиш суръатлари (ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда); товар айрибошлаш тезлиги (ўртача товар заҳираларини бир кунлик товар айланишига нисбати – кунлар ҳисобида, товар айланишни ўртача товар заҳираларига нисбати – маротаба ҳисобида) кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари савдо корхоналари самарадорлигини тадқиқот этишда улар фойдаланадиган ресурсларнинг самарадорлигини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун савдо корхонасининг ресурслари – асосий фондлар айланма маблағлари, молиявий ресурслар ва меҳнат ресурслари ҳамда капитал қўйилмалар ёки инвестицияларнинг самарадорлигини алоҳида-алоҳида кўрсаткичлар тизими орқали ўлчаш ва баҳолаш зарур бўлади.

Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда учта асосий фондлар самарадорлиги кўрсаткичлари тавсия қилинади ва ишлатилади. Улар қуйидагилар:

I. $A\Phi_к = \frac{TA}{A\Phi}$ (2.1) ($A\Phi_к$) асосий фондни қайтими

II. $A\Phi_c = \frac{A\Phi}{TA}$ (2.2) ($A\Phi_с$) асосий фондлар сиғими

III. $A\Phi_p = \frac{\Phi x100}{A\Phi}$ (2.3) ($A\Phi_р$) асосий фондлар рентабеллиги, % ҳисобида

Бу ерда: ТА – товар айланиши суммаси;

Ф – фойда суммаси ;

АФ - асосий фондлар суммаси.

Асосий фондлар рентабеллиги кўрсаткичи билан бир қаторда «Асосий фондлар даромадлиги» кўрсаткичи ҳам аниқланиши мумкин. Бу ҳолда «Фойда» ўрнига «Даромад» суммаси ишлатилади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар адабиётларда ва амалиётда корхонанинг барча мавжуд асосий фондларининг самарасини англатади деб ҳисобланади. Аслида эса фондларнинг бир қисми ишлатилади.

Биз юқорида келтирилган «Самарадорлик» тушунчасидан, яъни сарфланган (ишлатилган), истеъмол қилинган асосий фондларни самарасидан келиб чиқсак, асосий фондларнинг барча суммасини эмас, унинг сарфланган (ишлатилган) истеъмол қилинган қисмини ишлатилса, ҳақиқатга яқинроқ кўрсаткич аниқланган бўлади.

Асосий фондларнинг сарфланган қисми унинг «амортизацияси»да ўз аксини топади ва шу сабабли «Асосий фондлар» ўрнига «амортизация» (А) суммасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Истеъмол қилинган асосий фондларни қайтими ($АФ_{и.к}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и.к} = \frac{ТА}{А} \quad (2.4)$$

Асосий фондлар сиғими эса ($АФ_{и.с}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и.с} = \frac{А}{АТ} \quad (2.5)$$

Асосий фондлар рентабеллилиги ($АФ_{и.р}$):

$$АФ_{и.р} = \frac{Фx100}{А} \quad (2.6)$$

Асосий фондлар самарадорлигини таҳлил қилишда юқорида келтирилган кўрсаткичлар билан бирга қуйидагиларни ҳам ишлатишни тавсия қиламиз.

Чакана савдода чакана савдо шахобчалари савдо майдонининг ишлатилиш коэффициенти ($К_s$)

$$К_s = \frac{ЧТА}{S_c} \quad (2.7)$$

Ушбу кўрсаткич 1 кв.м савдо майдонига қанча чакана товар айланиши тўғри келишини англатади.

Улгуржи савдода омборлар майдони ва улгуржи омбор товар айланиши ишлатилади.

Худди шундай чакана товар айланиши (улгуржи омбор товар айланиши) кўрсаткичлар ўрнига фойда «Ф» ишлатилса, майдонларни рентабеллиги аниқланади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қиламиз.

1. Айланма маблағларни (ёки ўртача товар захираларини) айланиш коэффициенти (Кай. ёки Кз.а) маротаба ҳисобида.

$$Кай. = \frac{ТА}{\overline{АйМ}}; \qquad Кз.а = \frac{ТА}{\overline{З}} \quad (2.8)$$

Бу ерда: ТА- чакана товар айланиши суммаси (кварталга ёки йилга);

$\overline{АйМ}$ - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\overline{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

2. Ўз айланма маблағларини айланиш тезлиги коэффициенти (Кў.ай.)

$$Ку.ай. = \frac{ТА}{\overline{АйМ}_у} \quad (2.9)$$

Биринчи ва иккинчи банддаги кўрсаткичлар айланма маблағларни бир томондан бирор-бир даврда ишлатилиш ҳолатини кўрсатади, иккинчи томондан динамик қаторда таҳлил қилинса улардан фойдаланиш самарасини ҳам ифода қилади.

3. Айланма маблағларни (ёки товар захираларини) рентабеллиги (ёки даромадлилиги) (Рай.м) қуйидагича аниқланади.

$$Рай.м = \frac{Ф \cdot 100}{\overline{АйМ}(ёки\overline{З})}; \qquad (2.10), (2.11)$$

$$Рай.м = \frac{Д \cdot 100}{\overline{АйМ}(ёки\overline{З})};$$

Иқтисодчи олимлар фикрича савдо корхоналари молиявий

ресурсларининг барқарорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар таклиф қилинган ва амалиётда ишлатилади. Бизнинг фикримизча, бу кўрсаткичлар савдо корхоналари молиявий ресурсларининг барқарорлиги жумладан, самарадорлигини ҳам баҳолаш имконини беради.

1. Жорий ликвидлик коэффициенти ($К_{жл}$) $K_{ж.л} = \frac{\sum АйМ}{\sum КММ}$ (2.12)

Бу ерда: АйМ - айланма маблағлар; КММ - қисқа муддатли (жорий) мажбуриятлар

2. Молиявий қарамлик коэффициенти ёки қарздорлик, маблағ билан таъминланиш коэффициенти ($К_{м.к.}$) $K_{м.к.} = \frac{\sum КК}{\sum ХК}$ (2.13)

Бу ерда: КК - қарзга олинган капитал; ХК - хусусий капитал.

3. Молиявий барқарорлик коэффициенти ($К_{м.бар}$) $K_{м.бар} = \frac{\sum ХК + \sum УМК}{\sum \overline{АК}}$ (2.14)

Бу ерда: ХК - хусусий капитал; УМК - узоқ муддатли қарзлар; АК - активларнинг ўртача йиллик қиймати.

4. Мулк мустақиллиги коэффициенти ($К_{м.м.}$) $K_{м.м.} = \frac{\sum ХК}{\sum \overline{АК}}$ (2.15)

Бу ерда: ХК - хусусий капитал; АК - активларнинг ўртача йиллик қиймати.

5. Капитални манерв (ҳаракатчанлик) коэффициенти ($К_{к.м.}$) $K_{к.м.} = \frac{\sum ИК}{\sum ХК}$ (2.16)

Бу ерда: ИК - ҳаркатдаги (оборотдаги) капитал; ХК - хусусий капитал.

6. Тўлов қобилияти коэффициенти ($К_{к.м.}$) $K_{т.к.} = \frac{\sum ЎМ}{\sum УМ}$ (2.17)

Бу ерда: ЎМ – ўз маблағи; УМ – умумий мажбуриятлар.

7. Товар заҳираларини хусусий капитал билан қопланиш коэффициенти ($К_{тз.хк.}$) $K_{тз,хк.} = \frac{\sum ХК}{\sum \overline{ТЗ}}$ (2.18)

Бу ерда: ХК - хусусий капитал; ТЗ - йиллик ўртча товар заҳиралари.

8. Товар заҳираларини қарзга олинган капитал билан қопланиш коэффициенти ($К_{тз.єк.}$) $K_{тз,кк.} = \frac{\sum КК}{\sum ТЗ}$ (2.19)

Бу ерда: КК - қарзга олинган капитал; ТЗ - йиллик ўртача товар заҳиралари.

Меҳнат ресурсларининг самарадорлиги кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. Ишчи ходимларни рентабеллиги ёки даромадлиги (Ри.х). Агарда яратилган қийматни C + V + m деб ҳисобласак, рентабеллик қуйидагича ифодаланади:

$$Pи.х = \frac{m}{V} \quad (2.20)$$

C – доимий капитал ишлаб чиқариш воситалари;

V – ўзгарувчан капитал, иш ҳақи;

m – олинган фойда.

2. Меҳнаткашларнинг бўш вақти (дам олиш, ўқиш, малака ошириш жамоат ишлари, болалар тарбияси, жисмоний тарбия ва спорт, маданий дам олиш, маънавий эҳтиёжларни қондириш);
3. Ходимларни қўнимсизлик коэффициенти (ишдан кетган ва ҳайдалганлар: ўртача рўйхатдаги сонига);
4. Ходимларни қабул қилиш коэффициенти;
5. Меҳнат унумдорлиги;
6. Меҳнат унумдорлиги ва ўртача иш ҳақини солиштирма кўрсаткичи.

Барча соҳада, шу жумладан савдода ҳам инвестиция фаолияти алоҳида таркибий қисмлардан иборат бўлиб, инвестиция стратегиясини аниқлаш, стратегик режалаштириш, инвестициявий лойиҳалаштириш, лойиҳаларни таҳлил қилиш ҳамда унинг самарасини аниқлаш каби жараёнлардан иборат бўлади.

Савдода ҳам инвестиция стратегиясини аниқлаш деганда келажакда корхоналарнинг асосий фаолиятини ривожлантириш йўлларини, хусусан, ўз

маблағлари ёки бошқа инвесторлар ҳисобидан харажатларнинг қопланиш миқдорини аниқлаш тушинилади. Бунда корхона активларининг ҳажмини ва рентабеллигини прогноз қилиш, стратегик режада активларга бўлган эҳтиёжни ва уни таъминлаш учун тегишли ресурсларнии узоқ муддатга аниқлаш жараёни содир бўлади.

Инвестицион лойиҳа бу инвестицияни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш бўлиб, у инвестицион фаолият иштирокчиларини (мулкдор, тадбиркор, банкир, давлат ва халқаро ташкилотлар кабилар) иқтисодий ахборотлар билан таъминлайди, уларни ўзаро алоқаларини боғлайди ҳамда тушинтиради. Қисқа қилиб айтганда инвестиция лойиҳаси инвестициядан фойдаланиш режасини англатади.

Савдодо соҳасида инвестиция лойиҳасининг самарадорлигини ҳисоблаш деганда қўйилган инвестициядан келадиган самара миқдорини аниқлаш тушунилади. Инвестиция лойиҳасининг асоси сифатида капитал қўйилмаларга бўлган эҳтиёжнинг миқдори бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун инвестиция лойиҳаси самарадорлиги капитал қўйилмалар самарадорлиги орқали аниқланади.

Буни бир қанча бўғинларда аниқлаш мумкин. Жамият миқёсида капитал қўйилмалар самарадорлиги самарадорлик коэффициентида ўз аксини топади. Бу коэффициент ($К_с$) ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини (ΔЯИМ) капитал қўйилмалар суммасига ($К_к$) бўлиш йўли билан аниқланади. Яъни:

$$К_с = \frac{\Delta ЯИМ}{К_к} \quad (2.21)$$

Корхона миқёсида, шу жумладан савдо соҳасида ҳам инвестиция (капитал қўйилма) самарадорлиги, яъни унинг коэффициенти ($К_{к.с}$) қуйидагича ҳисобланади.

$$К_{к.с} = \frac{Ф}{К_к} \quad (2.22)$$

Бу ерда: **Ф** - йиллик фойданинг миқдори.

Савдо соҳаси амалиётида кўп вариантли капитал қўйилмалар лойиҳаси самарадорлигини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун ҳар бир вариантдаги харажатларни минимумга келтириш йўли билан аниқланади. Яъни:

$$T_i + E_н \cdot K \rightarrow \min \quad (2.23)$$

Бу ерда: $T_i$ - i варинатдаги харажатлар;

$E_н$ - капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффициенти;

K - капитал қўйилмалар суммаси.

Солиштирилаётган вариантлар ҳар хил даврга мўлжалланган бўлса, бундай шароитда вариантлар (В) келтирилган коэффициентлар бўйича аниқланади. Яъни:

$$B = \frac{1}{(1+E_{н\cdot в})} \cdot t \quad (2.24)$$

Бу ерда: $E_{н\cdot в}$ - ҳар хил даврдаги харажатларни келтириш нормативи;

t - маблағларни ишга туширишдан самара олгунгача бўлган вақт.

Инвестиция самарадорлигини аниқлашда унинг ўзини қоплаш муддати, хавф даражаси, инфляциянинг ўсиш суръати, келажакда солиқлар миқдорини ўзгариши кабилар ҳисобга олиниши лозим. Чунки инвестицияни қулай ва самарали соҳага қўйиш инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон амалиётидан шу маълумки, пулни банкларда сақлаш энг қулай ҳисобланади, чунки омонатчи ундан тегишли даврда тегишли миқдорда фойиз олади.

Пулни инвестиция қилиш (ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга ёки савдога қўйиш ёки қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш) инвесторга бошқа фаолиятларга нисбатан кўпроқ фойда келтирсагина нафли бўлади. Бу ҳолат инвесторлар учун биринчи қоида бўлиб ҳисобланади.

Инвесторларнинг иккинчи қоидаси - инвестиция рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлиши керак.

Шундай қилиб, инвестиция самарадорлигини ҳисоблаганда юқорида келтирилган қоидаларга асосланади. Бунинг учун инвестиция фаолиятини тегишли кўрсаткичлар орқали солиштириш ва қиёсий таҳлили қилиш катта аҳамиятга эга. Чунки харажатлар бирор даврда сарфланади, даромад эса нафақат шу даврда, балки у асосан харажатлар амалга оширгандан кейин

кела бошлайди. Шу сабабли инвестиция фаолиятида унинг самарадорлигини баҳолашда даврий пул қиймати деган тушунча ишлатилади. Ушбу кўрсаткич олдин олинган 1 сўм кейин олинган 1 сўмдан қимматроқ туришини англатади.

Шу сабабли иқтисодий ва молиявий таҳлилда сўмнинг жорий ва келажакдаги қийматини ҳисоблайди, таҳлил қилади. Бундай ҳисоб-китоблар дисконтлаштириш, деб юритилади.

Дисконтлаштириш деганда инвестиция ёки пул оқимларини келгусидаги қийматининг жорий баҳода ифодаланиши тушунилади.

Дисконтлаштириш мураккаб фойизни ҳисоблашнинг тескари жараёнидир. Мураккаб фоиз усули орқали инвестициянинг келажак қиймати ($И_{к.қ.}$) қуйидагича аниқаланади.

$$И_{к.қ.}=И_{ж.қ.}(1+Ч)^{п} \quad (2.25)$$

Бу ерда: $И_{ж.қ.}$ - инвестицияни жорий қиймати;
Ч - банк фойизи ставкаси;
П - йиллар сони.

Масалан: банк фойизи 10% бўлган ҳолда 5 йилдан кейин 1 сўмнинг қиймати = $1\cdot(1+0,1)^5=1\cdot1,55=1,55$ сўмни ташкил қилади.

Мазкур миқдор дисконтлаштириш усули билан инвестициянинг йилдан кейинги жорий қийматини ифодалайди. Бунинг учун инвестицияни келажак қийматини (1+банк фоизи) мўлжалланган йиллар сони даражасига бўлиш билан аниқланади, яъни:

$$И_{ж.қ.}=\frac{И_{к.қ}}{(1+Ч)^{п}}=И_{к.қ}\cdot(1+Ч)^{-п} \quad (2.26)$$

Масалан: банк фоизи 10 % бўлган ҳолда 20 йилдан кейинги 1 сўмнинг жорий қиймати $=1:(1+0,10)^{20}=1:1,10^{20}=1:6,7=0,15$ сўмни ташкил қилади.

Шундай қилиб, дисконтлаштириш йилма йил кетма-кетликда даромадлар, харажатлар потокларини дисконт ставкасига асосли бир-бирига келтириш йўли орқали келажакдаги даромад ва харажатларни жорий қийматини белгилаб олиш учун инвестицияни иқтисодий ва молиявий таҳлил

қилишда ишлатилади. Бундай усулларни қўллаш инвестициянинг соҳалар бўйича нечоғлик самарадор эканлигига баҳо бериш имконини яратади.

## 2.3. Самарқанд вилоятида савдо фаолияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шундай иқтисодий тизимки, у ўз фаолиятии барқарор ва динамик ривожлантириш учун хўжалик юритувчи субъектларга зарур бўлган воситаларни ва йўлларни кўрсатиб беради. Яна шу нарса характерлики янги бозор муносабатлари шароитида фаолиятини кенгайтиришни ва молиявий жиҳатдан бақувват бўлишни истамайдиган хўжалик юритувчи субъект ҳам йўқ. Шундай экан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзидаги барча имкониятни ишга тўла солади ва шунга яраша фойда олади.

Савдо аҳолининг кундалик турмушини моддий неъматлар билан таъминлайдиган алоҳида хизмат соҳаси бўлиб ҳисобланади. Унинг иштирокида ишлаб чиқарилган товарлар истеъмолчилар томонидан ижтимоий тан олинади, товар таклифи билан истеъмолчилар талаби келиштирилади. Товарларнинг истъмолчиларга сотилиши чакана товар айланмаси каби статистик қиймат кўрсаткичида ҳисобланади.

Чакана товар айланмаси аҳолига сотилган товарларнинг қийматининг пулдаги ифодасидир. У товарлар миқдорининг (q) тегишли баҳоларда (p) аҳолининг пулига айрибошланишини англатади. Уни қуйидаги статистик формула билан ифодалаш мумкин:

$$ЧТА=\sum qp$$

Чакана товар айланиши узлуксиз давом этади. У такрор ишлаб чикариш жараёнининг охирги босқичи хисобланади. Бу кўрсаткичнинг ўсиши ахоли истеъмолининг кенгайиб ва ортиб боришидан далолат беради. Ахоли ўзининг шахсий эхтиёжи учун зарур бўлган моддий неъматларнинг асосий кисмини савдо корхоналаридан харид қилади.

Чакана товар айланмаси кўрсаткичи оркали ахолининг зарур товарлар билан қанчалик даражада таъминланаётганига ва моддий фаровонлигининг ошаётганига бахо бериш мумкин.

Ўзбекистон статистикасида чакана товар айланмаси таркибида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари товар айланмалари биргаликда ҳисобга олиб борилади. Агарда, умумий чакана товар айланмасида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ҳиссаларини ажратган ҳолда ўрганиш, уларнинг ривожланиши бўйича тўлиқроқ ва аниқроқ хулосалар қилиш имконини беради.

Хизматлар бозорини, жумладан, савдо соҳасини давлат томонидан тартибга солишда Савдо-саноат Палатасининг ўрни бор. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 7 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат Палатасининг яратилиш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ ташкил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Палатаси 2005 йил 16 августдан эътиборан Халқаро савдо палатасига киритилди. Жаҳоннинг 140 дан ортиқ мамлакатлардаги кўплаб корхоналар ва ассоциациялар халқаро савдо палатасининг аъзолари сафидан жой олган.

**2.3.1 - жадвал**

**2008-2012 йилларда Самарқанд вилоятида савдо корхоналари сони кўрсаткичлари**

(йил бошига)

| № | Савдо корхоналари | 2008 йил[57] | 2012 йил[58] | Фарқи (+,-) | Ўзгариш суръати, % |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Дўконлар | 5355 | 8399 | 3044 | 156,8 |
| 2 | Савдо майдони, минг $м^2$ | 288,5 | 316,3 | 27,8 | 109,6 |
| 3 | Умумий овқатланиш корхоналари | 1249 | 1208 | -41 | 96,7 |
| | Улардаги ўринлар сони, минг ўрин | 54,2 | 52,1 | -2,1 | 96,1 |

2.3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Самарқанд вилоятида 2012 йил бошига жами дўконлар сони 8399 тани ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2008 йил бошига нисбатан 3044 тага ёки 56,8 %га кўпайган. Савдо

[57] Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2008, 66 стр.
[58] Ўша манба, 2012, 63 стр.

майдонлари эса, 2012 йил бошига 316,3 минг $м^2$ ни ташкил қилиб, 2008 йил бошига нисбатан 27,8 минг $м^2$ га ёки 9,6 % га кенгайган. Вилоятда умумий овқатланиш корхоналари сони 2012 йил бошида 1249 тани ташкил қилган ва 2008 йил бошига нисбатан 41 тага ёки 3,3 %га камайган. Мос равишда, улардаги ўринлар сони ҳам камайиб, 2012 йил бошида 52,1 минг ўринни ташкил қилган ва 2008 йил бошига нисбатан 2,1 минг ўринга ёки 3,9 % га камайган. 2.3.1 - жадвал маълумотлари гувоҳлик бериб турибдики, вилоятда ўрганилаётган давр мобайнида савдо корхоналари сони, улардаги ўринлар сони ва савдо майдони йилдан-йилга кўпайиш тенденциясига эга. Албатта, бундай ҳолат ижобийдир.

2.3.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, чакана товар айланмаси ҳажми Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида турлича бўлсада, барча шаҳар ва туманларида унинг бир текис ўсиши кузатилади. У 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўртача 38,6 фойизга ўсган.

**2.3.2 - жадвал**

**Самарқанд вилоятида чакана савдо айланмаси кўрсаткичлари**

| № | Шаҳар ва туманлар номи | 2010 йил | | 2011 йил | | 2012 йил | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | млрд. сўм | 2009 йилга нисбатан,%да | млрд. сўм | 2010 йилга нисбати,%да | млрд. сўм | 2011 йилга нисбатан,%да |
| | Жами | 1602,9 | 119,9 | 2171,4 | 135,5 | 3009,7 | 138,6 |
| | шаҳарлар: | | | | | | |
| 1. | Самарқанд | 575,6 | 120,0 | 786,4 | 136,6 | 964,3 | 122,6 |
| 2. | Каттақўрғон | 87,7 | 118,6 | 114,6 | 130,7 | 179,2 | 156,4 |
| | туманлар: | | | | | | |
| 1. | Оқдарё | 53,7 | 118,1 | 66,6 | 124,0 | 80,3 | 120,6 |
| 2. | Булунғур | 62,8 | 119,4 | 81,0 | 129,0 | 128,6 | 158,8 |
| 3. | Жомбой | 46,6 | 118,0 | 52,5 | 112,7 | 75,3 | 143,4 |
| 4. | Иштихон | 60,5 | 117,3 | 71,1 | 117,5 | 139,4 | 196,1 |
| 5. | Каттақўрғон | 54,9 | 118,3 | 68,8 | 125,3 | 91,6 | 133,1 |
| 6. | Қўшработ | 33,9 | 120,2 | 41,4 | 122,1 | 71,6 | 172,9 |
| 7. | Пайариқ | 78,2 | 121,1 | 103,0 | 131,7 | 142,6 | 138,4 |
| 8. | Пастдарғом | 83,7 | 120,6 | 125,0 | 149,3 | 229,5 | 183,6 |
| 9. | Пахтачи | 54,7 | 119,9 | 74,6 | 136,4 | 130,7 | 175,2 |
| 10. | Самарқанд | 110,1 | 123,8 | 151,8 | 137,9 | 194,6 | 128,2 |
| 11. | Нарпай | 60,4 | 119,9 | 63,8 | 105,6 | 107,2 | 168,0 |
| 12. | Нуробод | 28,6 | 119,1 | 51,6 | 180,4 | 74,0 | 143,4 |
| 13. | Тайлоқ | 46,0 | 119,5 | 69,4 | 150,9 | 76,4 | 110,1 |
| 14. | Ургут | 165,5 | 119,8 | 249,8 | 150,9 | 324,4 | 129,9 |

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Чакана товар айланмасининг ҳудудлар кесимида бир текис ўсиши, вилоятда савдо ва умумий овқатланишни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг тўғри, оқилона ва ўз вақтида ишлаб чиқилгани ҳамда унга тўлиқ амал қилинаётганидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, маъмурий ҳудудларда аҳолига чакана савдо хизматининг қай даражада ривожланаётганлигини билиш учун вилоят бўйича умумий чакана савло айланмасида шаҳар ва туманларнинг улушларини ва уларнинг динамикасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади (2.3.3-жадвал).

Таҳлил натижалари Самарқанд вилояти чакана товар айланмасида Самарқанд шаҳрининг улуши, бошқа ҳудудларга нисбатан анчагина юқори эканлигини кўрсатади. Бироқ, унинг улуши йил сайин камайиб бормоқда: 2011 йилда вилоят чакана товар айланмасидаги улуши 36,2 фойизни, 2012 йилда эса 32,0 фойизга тенг бўлган. Қарийиб шундай тенденция Каттақўрғон, Оқдарё, Тайлоқ ва Ургут туманлари бўйича ҳам кузатилади.

Вилоят чакана товар айланмасида Ургут тумани, бошқа туманларга нисбатан, юқори улушга эга. Сўнгги 5 йилда вилоят чакана товар айланмасининг ўртача 10-11 фойиздан кўпроқ қисми Ургут туманига тўғри келган. Туман чакана товар айланмасининг бу тариқа юқори улушни ташкил этишининг асосий сабаби туманда йирик буюм бозорининг жойлашганлигидадир. Бу буюм бозори қатор йиллардан бери, нафақат, Самарқанд вилояти, балки, республикамизнинг бошқа вилоятлари ва туманлари аҳолисига ҳам савдо хизматини кўрсатиб келмоқда.

Вилоят чакана товар айланмасининг таркибида Самарқанд, Пастдарғом ва Пайариқ туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрининг улуши, нисбатан, юқорироқ эканлиги кузатилади. Бу маъмурий ҳудудларда ҳам чакана савдо ва умумий овқатланиш инфратузилмаси нисбатан ривожланган.

2.3.3 - жадвал

**Самарқанд вилоятида чакана савдо айланмаси кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича салмоғи**

| № | Шаҳар ва туманлар номи | 2010 йил | | 2011 йил | | 2012 йил | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | млн.сўм | Салмоғи, % | млн.сўм | Салмоғи, % | млн.сўм | Салмоғи, % |
| | Жами | 1602,9 | 100,0 | 2171,4 | 100,0 | 3009,7 | 100,0 |
| | шаҳарлар: | | | | | | |
| 1. | Самарқанд | 575,6 | 35,910 | 786,4 | 36,216 | 964,3 | 32,040 |
| 2. | Каттақўрғон | 87,7 | 5,471 | 114,6 | 5,278 | 179,2 | 5,954 |
| | туманлар: | | | | | | |
| 1. | Оқдарё | 53,7 | 3,350 | 66,6 | 3,067 | 80,3 | 2,668 |
| 2. | Булунғур | 62,8 | 3,918 | 81,0 | 3,730 | 128,6 | 4,273 |
| 3. | Жомбой | 46,6 | 2,907 | 52,5 | 2,418 | 75,3 | 2,502 |
| 4. | Иштихон | 60,5 | 3,774 | 71,1 | 3,274 | 139,4 | 4,632 |
| 5. | Каттақўрғон | 54,9 | 3,425 | 68,8 | 3,168 | 91,6 | 3,043 |
| 6. | Кўшработ | 33,9 | 2,115 | 41,4 | 1,907 | 71,6 | 2,379 |
| 7. | Пайариқ | 78,2 | 4,879 | 103,0 | 4,743 | 142,6 | 4,738 |
| 8. | Пастдарғом | 83,7 | 5,222 | 125,0 | 5,757 | 229,5 | 7,625 |
| 9. | Пахтачи | 54,7 | 3,413 | 74,6 | 3,436 | 130,7 | 4,343 |
| 10. | Самарқанд | 110,1 | 6,869 | 151,8 | 6,991 | 194,6 | 6,466 |
| 11. | Нарпай | 60,4 | 3,768 | 63,8 | 2,938 | 107,2 | 3,562 |
| 12. | Нуробод | 28,6 | 1,784 | 51,6 | 2,376 | 74,0 | 2,459 |
| 13. | Тайлоқ | 46 | 2,870 | 69,4 | 3,196 | 76,4 | 2,538 |
| 14. | Ургут | 165,5 | 10,325 | 249,8 | 11,504 | 324,4 | 10,778 |

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари.

Таҳлиллар далолат берадики, Самарқанд шаҳри, Каттақўрғон шаҳри, Пойариқ, Пастдарғом ва Ургут туманларида (ўрганилаётган даврда) чакана товар айланмасининг ҳажми 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлсада, вилоят бўйича чакана товар айланмасининг ўсиши даражасидан паст. Айни пайтда, Оқдарё, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшрабод, Нарпай, Нуробод, Пахтачи, Самарқанд ва Тайлоқ туманларида чакана товар айланмасининг ўсиши, бу кўрсаткичнинг вилоят бўйича ўртача ўсиши даражасидан анча юқори.

Савдо корхоналари фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири – бу сотилган товарларнинг ҳажми. У товар ресурсларининг миқдори билан белгиланади. Шу сабабли, бугунги кунда товарларни ўз вақтида келтириш, савдо корхоналарини товарлар билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш долзарб ҳисобланади.

**2.3.4 - жадвал**

**Самарқанд вилояти бўйича 2009-2012 йилларда ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси**

| т/р | Шаҳар ва туманлар | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил |
|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | 383,2 | 510,4 | 658,2 | 897,5 |
| | Шаҳарлар: | | | | |
| 1 | Самарқанд | 1133,6 | 1434,7 | 1916,4 | 1918,6 |
| 2 | Каттақўрғон | 994,1 | 1118,5 | 1432,5 | 2217,9 |
| | Туманлар: | | | | |
| 1 | Оқдарё | 335,4 | 415,7 | 518,6 | 589,2 |
| 2 | Булунғур | 212,1 | 341,8 | 373,8 | 809,3 |
| 3 | Жомбой | 175,8 | 308,0 | 334,9 | 525,4 |
| 4 | Иштихон | 161,9 | 247,5 | 298,9 | 644,2 |
| 5 | Каттақўрғон | 206,8 | 353,0 | 347,1 | 390,7 |
| 6 | Қўшработ | 182,3 | 242,8 | 411,2 | 646,7 |
| 7 | Пайариқ | 291,4 | 440,0 | 506,5 | 661,2 |
| 8 | Пастдарғом | 320,3 | 383,0 | 485,6 | 758,9 |
| 9 | Пахтачи | 247,9 | 299,0 | 421,2 | 1026,1 |
| 10 | Самарқанд | 323,7 | 446,3 | 591,6 | 899,0 |
| 11 | Нарпай | 319,9 | 386,0 | 501,7 | 576,5 |
| 12 | Нурobод | 204,0 | 295,3 | 415,8 | 576,7 |
| 13 | Тайлоқ | 288,1 | 421,6 | 600,9 | 450,2 |
| 14 | Ургут | 161,6 | 325,6 | 382,3 | 764,8 |

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Чакана савдо хизмати кўрсатиш кўрсаткич энг юқори салмоғининг Самарқанд шаҳрига тўғри келишининг сабаби — у вилоятдаги энг қадимги тарихий шаҳар бўлиб, ундаги тарихий ёдгорликларнинг ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг миқдор жиҳатдан кўплиги ва ушбу объектларнинг деярли барчасида савдо муносабатлари ўз аксини топганлигидадир.

2.3.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда аҳоли сонининг ўсишига мос равишда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси 2009-2012 йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга. Бу маъмурий ҳудудларда аҳолига чакана савдо хизмати даражасининг йилдан-йилга яхшиланиб бораётганидан дарак беради. Аммо, Оқдарё, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшработ, Пайариқ, Нарпай, Нуробод ва Тайлоқ туманларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси вилоят бўйича ўртача кўрсаткичдан анча паст. Бундай ҳолат, бизнинг фикримизча, қайд этилган туманлар аҳолиси кундалик эҳтиёж товарларини Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидаги савдо корхоналаридан харид қилиши билан боғлиқ. Шу сабабли, бу туманлардаги қишлоқ ва қўрғончаларда чакана савдо дўконларини ташкил этиш учун тегишли шароитлар яратиш мақсадга мувофиқ.

Ўрганилаётган даврда аҳолининг ўртача бир ойлик иш ҳақи ҳам таҳлил қилинаётган даврлар мобайнида ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, вилоят бўйича 2009 йилда аҳолининг ўртача бир ойлик иш ҳақи 470321,4 сўмни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда у 2009 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб ўртача 612662,1 сўмни ташкил қилган. 2011 йилда эса 2010 йилга нисбатан 23484,6 сўмга кўпайиб, умумий тарзда ўртача 636146,7 сўмни ташкил қилган. Ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг ўсиши 2012 йилда ҳам кузатилиб, 2011 йилга нисбатан 249352,8 сўмга ёки 1,4 баробарга ошган.

## III-БОБ. Самарқанд вилоятида ички савдони ривожлантириш истиқболлари

### 3.1. Самарқанд вилоятида савдонинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш йўллари

Мамлакатимизда, жумладан Самарқанд вилоятида бозор муносабатларини шакллантириш, улар асосида бозор инфратузилмасини яратиш, жамиятни иқтисодий механизмини тубдан янгилашга олиб келди. Бу жараёнда савдо ва умумий овқатланиш соҳасининг иқтисодий, ахборот тизими ва ҳуқуқий муҳит бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилмоқда.

Ушбу шароит вилоят савдо соҳаси корхоналари ва шахобчаларининг моҳияти, табиати, товарлар ва хизматлар бозоридаги ўрни ва аҳамиятини, яна бир бор, замон талабидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш лозимлигини тақозо қилади.

Бу жараёнда рўй берган ҳам ижобий, ҳам салбий ҳодисалар ва жараёнларини айримларини келтирамиз.

Биринчидан, савдо соҳасида мулкий муносабатлар тубдан ўзгарди, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш биринчилар қаторида ушбу соҳада амалга оширилди.

Иккинчидан, ушбу соҳаларда давлат ва кооператив тизимларни монопол фаолиятига барҳам берилди.

Учинчидан, савдо корхоналари ва шохобчаларини мақсад ва вазифалари, олдинги маъмурий-бошқарув тизимидагига нисбатан бутунлай янгича тус олди.

Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти савдо соҳаси корхоналари ва шохобчаларининг фаолият юритиш тартибини янгилади ва бу соҳаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бирламчи бўлиб шаклланди.

Бешинчидан, ушбу соҳада ҳар хил ташкилий - ҳуқуқий шакллар вужудга келди.

Олтинчидан, бу соҳа фаолиятида ташқи муҳит ўзгарди, уларни микро, мезо ва макро даражадаги алоқалари бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилди.

Еттинчидан, ушбу соҳанинг иқтисодий механизми ўзгарди. Булар фаолиятида товар тақсимоти кўрсаткичларини маъмурий режалаштириш ўрнига иқтисодий усулларини ишлатиш, иқтисодий эркинлик, мустақил бошқариш, мулкни тасарруф ва унга эгалик қилиш, ўз ресурсларини мустақил ишлатиш, иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлик кабилар кириб келди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, ислоҳотларнинг бошланиш босқичида савдо соҳасидаги эркинлаштириш ва ҳар бирининг мустақил фаолият юритишга ўтиш тенденцияларининг шаклланиши натижасида қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам вужудга келди:

биринчидан, савдо шоҳобчаларининг майдаланиб кетганлиги туфайли уларнинг моддий-техник базаси талабга жавоб бермасдан қолди, уларда асосан 1-2 кишидан иборат сотувчи хизмат қилиши, дўконларда ўртача савдо майдонининг қисқариб кетиши, товар ассортиментини универсал ҳолда шакллантирилиши қийинчиликлар туғдирмоқда;

иккинчидан, товар айланмасининг таркибини ташкил қилинмаган буюм бозорлари ва деҳқон бозорининг ҳиссаси ортиб кетди.

учинчидан, товарларни келтириш каналлари издан чиқди, ишлаб чиқариш билан савдо шахобчалари ўртасида турли воситачилар, майда улгуржи савдогарлар вужудга келиши, улгуржи савдо тизимини йўққа чиқариши билан бирга товарлар нархини асоссиз ошириб юборишга олиб келди;

тўртинчидан, савдо соҳасига умуман унинг хусусиятларидан хабари йўқ шахслар кириб келди, натижада савдо маданияти, савдо этикаси ва этик жозибаси пасайди;

бешинчидан, савдо шоҳобчаларининг типлари ва ихтисослашуви халқаро талабларга жавоб бермасдан қолди, улар стихияли равишда шаклланди;

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида" қонун (май 1996 йил) қабул қилинганлигига қарамай истеъмол товарлари бозорида аҳолининг бу борадаги ҳуқуқини паймол қилиш ҳоллари рўй бермоқда. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- истеъмол бозорига кўп ҳолларда сифатсиз, талабга ва стандартларга жавоб бермайдиган товарлар кириб келиши кузатилмоқда.
- истеъмол товарларига баҳоларни назоратсиз ортиб бориши рўй бермоқда;
- савдо қилиш қоидалари бузилмоқда;

еттинчидан, савдо соҳасида ҳақиқий рақобат муҳити яратилмаган, савдо соҳасида ҳанузгача хуфёна иқтисодиёт ҳукум суриши, солиқлардан бош тортиш, божхона қонунларининг бузилиши каби ҳолатлар мавжуд ва ҳакозолар.

Савдо соҳасининг ахборотлар билан таъминланиши алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу муаммо бир томондан, сотувчи билан сотиб олувчи ўртасида товарлар ва хизматлар сифати ва сони тўғрисидаги ахборотлар бериб борилса улар ўртасида ишонч пайдо бўлади, аммо ахборотлар кенг тарзда бир хил тарқатилмайди. Сотиб олувчи ҳар доим ҳам асл ёки қалбакилаштирилган товарларни ажрата олмайди. Бу ҳолат аҳолини товар сифатига қўйиладиган талаблар билан тўла таъминланишини кенгайтириш лозимлигини тақозо қилади. Бунда реклама берувчилар ва реклама буюртмачиларининг ижтимоий жавобгарлигини ошириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Шунингдек давлат назорат органларидан кўплаб ахборотларни яшириш ҳолларига ҳам барҳам бериш лозим. Истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар билан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари аҳолининг талабини ўрганиш ва унга мос товарларни ишлаб чиқариш

тўғрисида ахборотлар мувофиқлашмаган. Оқибатда савдо ходимлари аҳоли талабини ва бозор коньюктураси тўғрисидаги маълумотларни аниқ билмайдилар. Бу эса уларни ахборотлар билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқармоқда.

Савдо соҳасини такомиллаштириш ва уларни ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

- аҳолига маданийлашган шаклдаги истеъмол бозоридан барчага баробар иқтисодий ва ҳуқуқий фойдаланиш имкониятини яратиш;

- савдо соҳасини давлат томонидан тартибга солишни самарали механизмини яратиш;

- истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар фаолиятини фаоллаштириш;

- савдо соҳасида рақобат муҳитини оммавий шаклланишини таъминлаш;

- савдони маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан алоқаларни мустаҳкамлаш (саноат, қишлоқ хўжалиги), аҳолини маҳаллий товарларга талабини шакллантириш ушбу товарларнинг сифати, нуфузини ошириш ва безарарлигини таъминлаш борасида амалий ишларни бажаришга ундайдиган механизмни шаклантириш, савдога қалбакилаштирлиган товарларни кириб келиш йўлларини ёпиш механизмини яратиш;

- савдо шоҳобчаларини типларни ва ихтисослашувини замон талабларига мослаштириш (ушбу масала буюм бозорининг моддий-техник базасини такомиллаштиришга ҳам тегишли);

- савдо жараёнига прогрессив технологияларни жорий қилиш (олди-сотди жараёнини ва донабай товарларни сотишни автоматлаштириш, электрон савдони, пластик карталар орқали савдони, интернет орқали савдо кабелларини жорий қилиш);

- савдо жараёнини истеъмолчилар учун ҳам, назоратчилар учун ҳам очиқлигини таъминлаш;

- савдо шаҳобчаларида товарлар ассортиментини шакллантириш сиёсатини юритишни таъминлаш, бунинг учун мутахассисларни жалб этиш (масалан, товарларни физик-кимёвий мослигига қараб савдо залларига жойлаштириш ва бошқалар);

- вилоятда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг (мулк шаклидан қатъий назар) шаҳар ва қишлоқларда махсус ўз товари билан савдо қиладиган фирма дўконларини ташкил қилиш;

- хорижий фирма, компания ва давлатларининг савдо уйларини ва ваколатларини очиш мақсадга мувофиқ. Бу кўпгина «ўртадаги» ортиқча савдогарларнинг иштирокини қисқартириб товарларнинг арзонлигини ва сифатини таъминлайди;

- савдо корхоналари ходимларини савдо ва хизмат маданияти, этика ва эстетика масалалари бўйича ўқитиш ва ҳоказолар.

## 3.2. Самарқанд вилоятида савдони ривожлантириш йўллари ва истиқболлари.

Маълумки, республикада хизматлар бозорини самарали тартибга солишда савдонинг роли катта аҳамиятга эга. У ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда етакчи роль ўйнайди. Савдо аҳолининг товарларга бўлган талабини қондиради ва ушбу жараён билан боғлиқ хизматлар кўрсатади. Шунинг учун ҳам, ижтимоий ривожлантириш тадбирлари мажмуига савдони ривожлантириш ҳам киради. Унда савдонинг моддий-техник базасини кучайтириш, бутун савдо тизимини такомиллаштириш, аҳолига кўрсатиладиган савдо хизмати маданиятини ошириш асосий муаммолардан ҳисобланади. Савдо фаолияти ишлаб чиқариш билан истеъмол қилиш ўртасида боғлиқлик бўғини бўлиб майдонга чиқади. Савдонинг ривожланиши аҳолининг тўлаш қобилиятидан ва товарларнинг таклифидан келиб чиқади. Шунинг учун, бу тармоқларнинг молиявий аҳволи саноат ва қишлоқ хўжалиги етказиб берадиган маҳсулотлар билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш аҳолининг саноат қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда ички савдо муҳим ўрин тутади. Бу эса товарлар ва хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солишга имкон беради.

Умуман олганда, товарлар ва хизматлар бозорини самарали тартибга солишда бозорлар фаолиятида савдо-сотиқни ривожлантириш қуйидаги муҳим чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- республикада савдо фаолиятининг қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- мамлакатда савдо фаолиятини тартибга солиш ва давлат ёрдамида уни бошқарув тизимларини такомиллаштириш;
- савдо соҳасига тегишли статистик ҳисоботларни такомиллаштириш;

- савдо қилишни маданийлашишига ўтиш шарт-шароитларини яратиб бериш ва савдо инфратузилмасини такомиллаштириш;
- савдо фаолиятининг асосий субъектлари бўлган сотувчи ва истеъмолчининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини яратиш;
- савдо шаҳобчаларини (уларнинг типлари, ихтисослашиши) ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда стандартлаштириш масаласини жорий қилиш;
- савдо соҳасидаги хизматчи ва ходимлар мониторингини ўтказиш ва шу асосида махсус курслар ташкил қилиш йўли билан уларни қайта тайёрлаш муаммосини ҳал қилиш.
- савдо фаолиятининг асосий субъектлари бўлган сотувчи ва истеъмолчининг қизиқишларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини яратиш ва бошқалар.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида савдо соҳаси корхоналарининг ривожланишига олиб келади деб ўйлаймиз.

Бозор муносабатлари қарор топаётган айни дамларда ҳар қандай самарали фаолият юритишнинг асосини моддий эҳтиёжлар ташкил қилади. Яратилган моддий неъматлар жамият аъзолари ўртасида баробар тақсимланмасдан, уларнинг иш натижаларига қараб тақсимотини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки илмий техника ютуқларининг ҳар қандай натижалари амалда қўлланилса хам, барибир жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи-инсонлардир. Инсоннинг қобилияти, малакаси, ишга муносабати, жамоа олдида тараққиёти натижаларини амалда қўллаш, самарали иш юритиш, меҳнат унумдорлигини ошириш фаолият натижасидан баҳраманд бўлишга катта ёрдам беради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш воситаларини ўзгартирмаган ҳолда ишни яхши ташкил этиш ҳамда меҳнат хаққини яхшилаш билан ишлаб чиқариш ҳажмини 25-30 %га ошириш мумкин.

Янгича иқтисодий муносабатлар шароитида савдо муаммоларини ҳал этиш кўп жиҳатдан уни малакали кадрлар билан таъминлашга боғлиқ. Савдо маданияти, савдо қилиш жараёни бу соҳа ходимларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришни талаб этади.

Иқтисодий ислоҳатлар даврида савдони ташкил қилишнинг энг замонавий ва қулай усулларини қўллаш мақсадга мовофиқдир. Иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш орқали истеъмол бозорини доимо ривожлантириб бориш зарур. Савдода тезлик билан кўтарилиб бораётган нарх навони тартибга солиш учун бу соҳага кўпроқ инвестициялар жалб қилиш ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш керак. Маҳаллий бозорларни маҳаллий товарлар билан тўлдириб бориш яхши самара беради. Ҳозирги пайтда мавжуд қонунларнинг амал қилишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зарурий қонунлар ишлаб чиқарилмоқда, лекин уларнинг бажарилиши кутилганидек эмас. Қонунчилик маданиятида бир қатор камчиликлар учраб туради.

Муаммоларни ҳал этиш ва чакана савдони ривожлантириш учун давлат савдосини ҳам янада ривожлантириш зарур бўлди. Матбуот кооперациясининг илгариги нуфузини тиклаш керак. Қишлоқ жойларда бу соҳанинг хизмат кўрсатишини янада ошириш лозим. Бугунги кунда қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган давлат ташкилотларининг фаолияти умуман қониқарсиз аҳволга келиб қолган.

Савдони ривожлантириш борасида қуйидаги йўналишларни кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, бозор иқтисодиётининг зарурий унсурлари ҳисобланадиган халқ хўжалигидаги алоҳида тармоқларнинг, жумладан савдо корхоналари ва ташкилотларининг бозорларда тўлиқ мустақиллигини таъминлаш. Бу ўз навбатида корхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги билан бевосита боғлиқ бўлишини тақозо этади.

Иккинчидан, савдо корхоналари самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич сотилган товарларнинг ҳажми билан белгиланади, яъни кўрсаткични белгилашда, баҳолашда, уни белгилайдиган товарларнинг келиб тушиши, товар захилари асос бўлиб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, чакана товар обороти товар ресурсларининг ҳажми билан белгиланади. Бу эса товарни ўз вақтида келтириш, савдо корхоналарини товарлар билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Учунчидан, савдони ривожлантириш омилларидан бири эркин нархларни жорий этишдир. Албатта ҳозирги вақтда халқ истеъмол товарларининг асосий қисми эркин нархларда сотилмоқда. Аммо нархнинг тузилиши ва уни белгилаш умумий иқтисодий қонун – қиймат қонунига кўра аниқланиши лозим бўлади.

Тўртинчидан, савдони ривожлантиришда соғлом рақобатни юзага келтириш ва уни қўллаб-қувватлаш лозим. Рақобат бор жойда ривожланиш бўлади.

Бешинчидан, республикада молия ва пул-кредит тизимини такомиллаштириш, барқарор иқтисодий йўналишларини амалга ошириш.

Олтинчидан, корхоналар ўз фаолиятида маркетинг хизматларидан кенг фойдаланишлари зарур. Бу ўз навбатида бозор фаолиятини ўрганишга, рақобат усулларини танлашга, аниқ мақсад ва стратегияларинин ишлаб чиқишга имкон беради.

Юкорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики ривожланишнинг хозирги боскичида чакана товар айланишида куйидаги тенденциялар намоён булмокда.

1. Умумий хажми ортиб бормокда, жумладан вилоятлар буйича хам.
2. Ахолига товар сотиш ва хизматлар хажмида чакана товар айланишининг хиссаси камайиб бормокда.

3. Чакана товар айланиши таркибида озик – овкатлар хиссаси камайиб, ноозик - овкатлар хиссаси ортиб бормокда.
4. Ахолини узок муддатли фойдаланиш товарлари билан таъминланиш даражаси етарли даражада эмас, айрим товарлар буйича ортиб бориш кузатилмокда.
5. Чакана товар айланишини вилоятлараро таксимотида сезиларли даражада тафовут сакланиб колмокда.

Чакана савдо ўз ривожланиш даврини бозор мунособатлари шароитида ҳам давом эттиради. Унинг ривожланиши қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилиш билан белгиланади:

Биринчидан, мулкчиликнинг турли шаклларининг вужудга келиши ва амал қилишида тўсиқларнинг бартараф этилиши, мулк-шаклларининг бир текисда ривожланиши.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмолдаги монополияларни йўқотиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, ҳамда хусусийлаштириш дастурини амалга оширишни жадаллаштириш, ишбилармонликка, тадбиркорликка кенг очиб бери шва уларни қўллаб-қувватлаш.

Шу билан биргаликда савдода тижорат ишларини кенгайтириш ва такомиллаштириш савдо корхоналарининг замон талабларига мос равишда фаолият олиб боришга ҳаракат қилиши, ҳар бир савдо ходимида етук ишбилармоклик туйғуларининг шаклланаётганлиги, харидорлар олдидаги маъсулиятнинг янада чуқурроқ ҳис қилинаётганлиги, аҳоли талабини доимий ўрганиб боришнинг ташкил қилинаётганлиги, савдода хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш кабилар ҳам чакана савдонинг ривожланиш истиқболларини белгилайди.

Келгусида чакана савдо халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб қолади. Чакана савдода замонавий товарлар сотиш усулларидан фойдаланила бошлайди: буюртма орқали товар сотиш, ривожланган алоқа воситалари, компьютерлар тизими орқали товар сотиш ва бошқалар.

Чакана савдонинг ривожланиш жараёнида мижозларга қўшимча хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилади. Истеъмол бозорларида турли хилдаги товарларни харид қилиш мумкин бўлган бўлади. Товарлар ассортимент ива сифати доимо такомиллашиб бориш хусусиятига эга бўлади. Амалга оширилаётган ислоҳотлар келгусида савдонинг узлуксиз ривожланишини таъминлаб беради. Ташқи ва ички савдода янгича таркибий ўзгаришлар содир бўлади. Республикамизнинг ўз ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши ва ривожланиши оқибатида ички бозорларимизнинг товар тақчиллиги бартараф этилади ва истеъмол бозорларида маҳаллий товарлар катта улушга эга бўла бошлайди.Чакана савдонинг узлуксиз ривожланиб бориши чакана товар обороти, муомала харажатлари, товар захиралари каби кўрсаткичларнинг самарадорлиги эвазига содир бўлади.

Савдо майдонларидан оптимал даражада фойдаланиш, ходимлар сонини энг меъёрий даражада сақлаб туриш имкониятлари вужудга келади. Самарадорлик кўрсаткичларини доимо таҳлили қилиб бориш зарурати туғилади. Шу билан биргаликда, бошқа соҳаларда бўлгани каби савдода ҳам эркин бозор муносабатлари қарор топа бошлайди. Мулкчиликнинг турли шакиллари ўртасидаги рақобат, харидор ва мижознинг эҳтиёжини кўзлаш жараёнлари ҳам савдода ўз шаклини намоён қилади. Лекин бу билан биргаликда бозорга ўтиш шароитида чакана савдо ўзига хос иллатларга ҳам эга бўлади. Ғирром рақобат, харидорлар ҳаққига хиёнат қилиш, товарларни қалбакилаштириш каби салбий иллатлар чакана савдонинг ривожланиши шароитида ҳали муаммо бўлиб қолади.

## IV-БОБ. Савдо соҳаси корхоналарида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари

### 4.1. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Республикада ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам бу масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишиларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат мустақилллигининг дастлабки кунлариданоқ фуқоралар ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш ва ҳар қандай ҳолатларда муҳофаза этиш мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаоляти хавфизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг яшашида ва фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлишини, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланишини, уруш ва терроризм хуружидан ҳимояланишини, табиат ва одамзод уйғунлигининг сақланишини таъминлаш тушинилади. Умуман олганда ҳаёт фаоляти хавфизлиги — бу инсоннинг шу заминдаги турмуши хавфсизлигини таъминлашдир.

Маълумки, Ўзбекистон табиий офатлар (ер силкиниши, ер силжиши, сел, сув тошқини ва ҳоказолар) тез-тез бўлишига мойил ўлка бўлганлиги ҳамда экологик мувозанатнинг бузилиши фуқаролар ҳаётини муҳофаза этиш, табиатни асраш ва турли офатлардан зарар кўрган ҳудудларда қутқариш-тиклаш ишларини олиб бориш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юртимиз минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аврияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш ва тегишли чоралар кўриш зарур. Фақат шундагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий-маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуини, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, гегиеник, профилактик тадбиларни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистонда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига оид ҳуқуқий асослар яратилган. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат кодекси" (21 декабрь 1995 йил) ва Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни киради.

Ўзбекистон Республикаси "Меҳнат Кодекси"нинг 212-моддасида: "Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади"[59],дейилган.

Корхоналарда ҳар бир ходимнинг Ўзбекистон Республикаси "Меҳнат Кодекси" ва Ўзбекистон Республикаси "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга амал қилиши, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ.

Ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларни излаб топиш, меҳнатни самарали ижодий фаолиятга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сўнги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббиёт соҳасига кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар қилинмоқда, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли , умумий хасталиклар ҳамда касб касалликларни ташхизлаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқаришга ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

[59] Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат Кодекси". – Т.: Адолат, 1996, 98 бет.

2010 йили савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрловда 1245,8 минг ёки 1990 йилга нисбатан 2,7 баробар кўп киши[60] фаолият юритишган. Табиийки, уларнинг маълум бир қисми нохуш ва зарарли меҳнат шароитида ишлашган ва ишламоқдалар.. Бу эса ишга вақтинча қобилиятсизликка алоқадор касалликни келтириб чиқаради.

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Бу ишлар билан давлат тузилмасидаги барча бўлимлар шуғулланишади ва бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслиги ҳолати тармоқ назоратини тегишли вазирликларга бўйсуниш тартиби билан амалга оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Самарқанд вилояти савдо соҳаси корхоналарида меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли

---

[60] Альманах Ўзбекистон 2011. – Т.:Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011, 21 бет.

омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланган.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Самарқанд вилояти савдо соҳаси корхоналарида меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномасида кўзда тутилган.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юкори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Госэнергонадзор), прократура, шунингдек, касаба уюшма органлари ва уларнинг рахбарлигидаги жамоатчилик назорат килади.

Касаба уюшмаларнинг ишлаб чикаришдаги қўмиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат қонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чикариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя килишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид бўлган кўрикларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ходисаларни тўғри ҳисобга орлинишини назорат килади, ишлаб чикариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёк кийими индивидуал химоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан

вактида таъминланишини назорат килади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

Самарқанд вилояти савдо соҳаси корхоналарида меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектори бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг уз вактида утказилишини назорат килади, station асбоб-ускуналар, химояловчи курилмалар бузуклигини аниклаш, чикиндиларни уз вактида йигиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш уринларида тартибга риоя қилинишини назорат килиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба уюшма кошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги бўйича ишларни касаба уюшмаига қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташкари қурилган корхона ва хоналар унинг ижозати билан фойдаланишга топширилади. Хамда давлат назорати инспекциялари билан алокада булади.

"Йул харакати қоидалари" га риоя килишни Давлат автоинспекцияси назорат килади.

Электр курилмалар, электр тармоклар, буг козонлари, электр станциялари, кишлок хужалиги корхоналаридаги кутариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат курсатиш қоидалари риоя килишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат килади.

Давлат санитария назорати Республика согликни саклаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

## 4.2. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Республикамизда миллий иқтисодиёт тармоқлари объектлари ва аҳоли турар жойларининг ёнғин муҳофазасини мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғахўрлик қилиб келинади.

Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зич жойлашган жойларда ёнғинни ўчириш ишини ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар взирлигининг Ёнғинга қарши кураш бошқармасининг вазифаси — давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхоналари мулкини ҳамда фуқароларнинг шахсий мулкини ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфли бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими

ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учқун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнгин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқдарида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга — заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширищда эътиборга олинадиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли коицентрацияси хосил булишига йул куймаслик;
- ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар кушиш;
- ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт мухитини яратиш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таьминлаш;
- технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал килиш;

- технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;
- хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Амалиётда бино ва иншоотларда ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади.

Ўт ўчириш моддалари зарарли, кам захарли ва захарсиз турларига бўлинади. Шунинг учун корхона объектлари ва майдонларини ёнғин учириш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

Самарқанд вилояти савдо соҳаси корхоналаридаги ёнғин хавфсилиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб юрган кишилар зиммасига юклатилган.

**Хулоса**

Олиб борилган таҳлил натижасида савдо корхоналари самарадорлигига таъсир этувчи бир қатор омиллар, муаммолар аниқланди, уларни таъсир даражалари баҳоланиб, муаммоларни бартараф этиш соҳа субъектлари самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Савдо – хизматнинг алоҳида тури бўлиб, у **бир томондан** ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади, **иккинчи томондан** истеъмолчиларга, **учинчи томондан** давлатга ва **тўртинчидан** у бошқа иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларига ҳам хизмат кўрсатади, уларнинг хизматларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан алоқада бўлади.

Савдонинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланишининг тадқиқот қилиш натижасида, тарихий манбаларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан савдода бозор муносабатларини шаклланиши ва ривожланиш босқичлари аниқланди. Ушбу босқичлар жамият тараққиётида юз берган энг йирик ходисалар ва жараёнларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Илмий-назарий нуқтаи-назардан самарадорликни учта йирик гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, жамият миқёсида; иккинчидан, худудлар миқёсида; учинчидан, хўжалик тузилмалари, субъектлари миқёсида (концерин; холдинг; ассоциациялар; ҳар хил бошқа бирлашмалар; корхоналар – кичик, ўрта, йирик; муассасалар ва ҳ.к.).

Ушбу умумий йўналишлар ичида самарадорликни турларга ажратиб тадқиқот қилиш зарур. Самарадорлик турларини умумий ва функционал нуқтаи назардан таснифлаш мумкин.

Умумий самарадорликга: «ижтимоий-иқтисодий»; «иқтисодий»; «ижтимоий»; «сиёсий»; «техник-технологик»; «экологик» кабиларни киритиш мумкин.

Савдо соҳасининг мақсади икки томонлама характерга эга бўлиб, бир томондан, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини тўларок қондириш бўлса, иккинчи томондан оптимал миқдорда фойда олиш ёки оптимал рентабелликка эришишдир.

Ушбу кўрсаткичларни максималлаштириш савдо соҳаси, корхонаси самарадорлигининг мезони бўлиб ҳисобланади.

Савдонинг самарадорлигини ўлчаш ва баҳолашни қуйидаги аломатлар бўйича гуруҳлаш зарур:

биринчидан, умуман миллий иқтисодиёт манфаати нуқтаи назаридан;

иккинчидан, истеъмолчи (аҳоли) манфаати нуқтаи назаридан;

учинчидан, савдо корхонаси (мулкдор, бошқарув ходимлари ҳамда ишчилар) манфаати нуқтаи назаридан.

Савдо соҳаси ёки корхоналари манфаати нуқтаи назаридан: - чакана товар айланишининг (ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда) ҳажми ва унинг ўсиш суръатлари; фойдани товар айланишига (ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда), капиталга, иш ҳақи фондига нисбатан (рентабеллик кўрсаткичлари); меҳнат унумдорлиги (товар айланишини ишчилар сонига нисбати) миқдорини ортиши ва ўсиш суръатлари (ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда); товар айрибошлаш тезлиги (ўртача товар заҳираларини бир кунлик товар айланишига нисбати – кунлар ҳисобида, товар айланишни ўртача товар заҳираларига нисбати – маротаба ҳисобида) кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари савдо корхоналари самарадорлигини тадқиқот этишда улар фойдаланадиган ресурсларнинг самарадорлигини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун савдо корхонасининг ресурслари – асосий фондлар, айланма маблағлари, молиявий ресурслар ва меҳнат ресурслари ҳамда капитал қўйилмалар ёки инвестицияларнинг самарадорлигини алоҳида-алоҳида кўрсаткичлар тизими орқали ўлчаш ва баҳолаш зарур бўлади.

Тадқиқот натижасида ялпи ички маҳсулот ва ялпи ҳудудий маҳсулотдаги савдо ва умумий овқатланиш соҳаларини ҳиссасини статистикада алоҳида ҳисоб қилиш зарур эканлиги тўғрисида хулосага келинди.

Чунки, биринчидан, савдо ва умумий овқатланиш соҳалари бир-бирига яқин функциялари бор бўлишига қарамай, улар фаолиятини кескин фарқ қиладиган томонлари кўп;

иккинчидан, ушбу соҳаларни иқтисодиётда тутган ўрнига баҳо бериш мураккаб;

учинчидан, илмий тадқиқот ишлари ушбу соҳалар бўйича биргаликда эмас, алоҳида олиб борилади.

Савдо соҳасини такомиллаштириш ва уларни ривожлантириш учун қуйидаги концептуал вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб биламиз:

- республикада савдо фаолиятининг қонуний-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- мамлакатда савдо фаолиятини тартибга солиш ва давлат ёрдамида уни бошқарув тизимларини шакллантириш;

- савдо соҳасини давлат томонидан тартибга солишни самарали механизмини яратиш;

- савдо соҳасига тегишли статистик ҳисоботларни такомиллаштириш;

- савдо фаолиятининг асосий субъектлари бўлган сотувчи ва истеъмолчининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини яратиш;

- аҳолига маданийлашган шаклдаги истеъмол бозоридан барчага баробар иқтисодий ва ҳуқуқий фойдаланиш имкониятини яратиш ҳамда савдо қилишни маданийлашишига ўтиш шарт-шароитларини яратиб бериш ва савдо инфратузилмасини такомиллаштириш;

- савдо ва бошқа хизматлар соҳаларида интеграцияланиш, кооперацияланиш жараёнини ривожлантириш механизмларини яратиш;

- истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар фаолиятини фаоллаштириш;

- савдо соҳасида рақобат муҳитини оммавий шаклланишини таъминлаш;

- савдони маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, аҳолини маҳаллий товарларга талабини шакллантириш ушбу товарларнинг сифати, нуфузини ошириш ва безарарлигини таъминлаш борасида амалий ишларни бажаришга ундайдиган механизмни шаклантириш, савдога қалбакилаштирлиган товарларни кириб келиш йўлларини ёпиш механизмини яратиш;

- савдо шоҳобчаларини типларни ва ихтисослашувини замон талабларига мослаштириш (ушбу масала буюм бозорининг моддий-техник базасини такомиллаштиришга ҳам тегишли);

- савдо жараёнига прогрессив технологияларни жорий қилиш (олди-сотди жараёнини ва донабай товарларни сотишни автоматлаштириш, электрон савдони, пластик карталар орқали савдони, интернет орқали савдо кабелларини жорий қилиш), уларни ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда стандартлаштириш масаласини жорий қилиш;

- савдо жараёнини истеъмолчилар учун ҳам, назоратчилар учун ҳам очиқлигини таъминлаш;

- савдо шаҳобчаларида товарлар ассортиментини шакллантириш сиёсатини юритишни таъминлаш, бунинг учун мутахассисларни жалб этиш (масалан, товарларни физик-кимёвий мослигига қараб савдо залларига жойлаштириш ва бошқалар);

- савдо шаҳобчаларини номланиши масаласига чуқур эътибор қаратиш зарур. Бу масала маънавий, тарбиявий ва ижтимоий-руҳий аҳамиятга эга;

- вилоятда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг (мулк шаклидан қатъий назар) шаҳар ва қишлоқларда махсус ўз товари билан савдо қиладиган фирма дўконларини ташкил қилиш;

- хорижий фирма, компания ва давлатларининг савдо уйларини ва ваколатларини очиш мақсадга мувофиқ. Бу кўпгина «ўртадаги» ортиқча савдогарларнинг иштирокини қисқартириб товарларнинг арзонлигини ва сифатини таъминлайди;

- савдода самарадорликни баҳолаш ва хизмат сифатини ошириш учун доимий ва узлуксиз илмий тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил қилиш ҳамда унинг натижаларини амалиётга босқичма-босқич жорий қилиш;

- савдо соҳасидаги хизматчи ва ходимлар мониторингини ўтказиш ва шу асосида махсус курслар ташкил қилиш йўли билан уларни қайта тайёрлаш муаммосини ҳал қилиш;

- савдо корхоналари ходимларини савдо ва хизмат маданияти, этика ва эстетика масалалари бўйича ўқитиш.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида савдо соҳаси корхоналарини иқтисодиётни ривожланишига ижобий таъсирини кўчайтиради, деб ҳисоблаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар

## РЎЙХАТИ

## Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. «Мулкчилик тўғрисида» 2003 йил 7 май.
3. «Корхоналар тўғрисида» 1993 йил 7 май.
4. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» 1993 йил 7 май.
5. «Кооперация тўғрисида» 1993 йил 28 декабр.
6. «Фуқаролик кодекси» I-қисм, 1995 йил 21 декабр II-қисм, 1996 йил 29 август.
7. «Меҳнат кодекси» 1995 йил 21 декабр.
8. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» 1996 йил 24 апрел.
9. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида». 1996 йил 27 декабрь.
10. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» 1998 йил 24 декабр.
11. «Инвестиция фаолияти тўғрисида» 1998 йил 24 декабр.
12. «Реклама тўғрисида» 1998 йил 25 декабр.
13. «Баҳолаш тўғрисида». 1999 йил 19 август.
14. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида». 2000 йил 25 май.
15. «Давлат статистикаси тўғрисида» 2002 йил 12 декабр.
16. «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрири) 2003 йил 24 апрел.
17. «Хусусий корхоналар тўғрисида» 2003 йил 11 декабръ.
18. «Тадбиркорлик субъектларини иқтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». 2007 йил 14 декабр.

## Президент асарлари

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- том. Т.: Ўзбекистон, 1996.- 364 – бет.

2. Каримов И.А. Озод ва Обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз Т. 8 - том. Т.: Ўзбекистон., 2000. -528 бет.

3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулимиз 9–том. Т.: Ўзбекистон, 2001.- 432 бет.

4. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир./ Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 15. –Т.: "Ўзбекистон", 2007. - 320 б.

5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлда. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 16. – Т.: "Ўзбекистон", 2008. - 368 б

6. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2007. - 200 бет.

7. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2007 йил 31 август.

8. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизниг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2008 йил 9 феврал.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: "Ўзбекистон", 2008. - 56 б.

10. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2009 йил 14 феврал.

11. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устивор мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 28 январ.

12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 30 январ.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. 1. "2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида". 2005 йил 14 март. Қарори.
2. "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". 2005 йил 14 июн. Фармони.
3. "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". 2005 йил 14 июн. Фармони.
4. "Тадбиркорлик суъектлари тамонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни иақонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида". 2005 йил 15 июн. Қарори.
5. "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида". 2005 йил 20 июн. Фармони.
6. "Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида". 2005 йил 21 июл. Фармони.
7. "Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида". 2006 йил 23 феврал. Фармони.
8. "Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида". 2006 йил 6 март. Қарори.
9. "Табиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида". 2006 йил 24 май. Қарори.
10. «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». 2006 йил 18 апрель қарори.
11. «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 2007 йил 23 май қарори.

12. “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 январдаги ПҚ-1041-сонли қарори.

**Дарслик ва ўқув қўлланмалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Қонун. 1990 йил 31 октябр Ўзбекистон Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил №31-33.
2. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 5-сон.
3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахбортномаси. 1992 йил, 1-сон.
4. Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил, 2 июл Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси.1992 йил, 10-сон.
5. «Хусусий корхоналар тўғрисида» Қонуни. 2003 й.Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш ахборотномаси 2004 йил 3-сон.
6. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1991 йил 15 феврал (7 – май 1993 йил ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган). Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида Қонун ҳужжатлари. Тошкент «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» Қонун. 1991 йил 21 декабр. 1998 йил 29 августда ўзгартиришлар киритилган.
8. Банкротлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрел Қонуни. Халқ сўзи 2004 йил 2-июл.
9. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрел Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси 1996 йил 5-6 сон.
10.Товар бозорларида монополистик рақобатни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 2-сон.
11. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил, 24 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1999 йил, 1-сон.
12. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2012 йил, 2 май.
13. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида » Ўзбекистон республикаси Қонуни 2001 йил, 6 декабр.

14. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил, 12 декабр Қонуни. Халқ сўзи 2003 йил 13 декабр.
15. Ўзбекистон республикаси «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил, 27 апрель.
16. Ўзбекистон республикаси «Рақобат тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил, 7 январь.
17. Ўзбекистон республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил, 25 сентябрь.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент., Ўзбекистон, 1995.
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон». 2009.
20. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳатлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2013 йил 22 январь, №9 (22.167).
21. Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.07.2004 йил фармони.
22. Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт шароит яратиш чора тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 февралдаги фармони.
23. «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрел Қарори.
24. «Ўзулгуржисавдоинвест уюшмаси тузилмасини ислоҳ қилиш ва фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 мартдаги ПҚ-1514 – сонли қарори.
25. Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январь ПҚ-1910 – сонли қарори.
26. Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрь 274-сонли қарори билан тасдиқланган).
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 5 феврал 54-сон қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2003 йил 15 октябр 444 сон қарори.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2012 йил, 28 август, 253-сонли қарори.
30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги 2012 йил 1 фувраль 25-сонли қарори.
31. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади» мавзусидаги маърузаси. 2011 йил 20 январь.
32. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. - Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2012й.
33. «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2012 йил 13 ноябрь.
34. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг “Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқлаш тўғрисидаги қарори. Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2011 йил 23 февраль куни рўйхатдан ўтказилган.
35. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар «Корхона иқтисодиёти». Дарслик, Тошкент «Фан», 2005.
36. Абдукаримов Б.А. «Ички савдо иқтисодиёти». Дарслик, Тошкент “Иқтисод-молия”, 2010.
37. Жўраев И. Самарқанд газетаси муҳбири. «Кўча савдоси: унга барҳам бериш вақти келмадими?». Самарқанд газетаси, 2012 йил 26 июль.
38. «Инструкция по статистике численности и заработной плате работающих по нейму». Утверждена Постановлением Микмакроэкомстата Республики Ўзбекистан №33 от 26 октября 1998 г.

39. Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисоди, Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2005.
40. Мухаммедов М.М., Абдукаримов Б.А., Алтинбаев Р.И., Қутбетдинов А.Т. Экономика торговли. Учебное пособие. Самарканд, 1998.
41. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисоди ва социологияси. Ўқув қўлланма. Самарқанд, 2002.
42. Ўразов К.Б. «Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш». Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004.
43. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2008.
44. Ходиев Б.Ю ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърўзаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010.
45. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор Қонунияти асослари. III том. Тошкент: «Бизнес каталог», 1996.
46. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор ва очиқ иқтисодиёт IV том. Тошкент. «Бизнес каталог». 1996.
47. Э.Н.Хаджаев, Р. Г. Юнусова, Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд Зарафшон. 1994.
48. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Самарқанд вилоят статистика бошқармасининг маълумотлари.

## Интернет ва статистика маълумотлари:

1. http://www.stat.uz
2. http://www.ecsocmen.edu.uz
3. http://www.worldbank.org.
4. http://www.region.uz
5. http://www.lex.uz
6. http://www.Darvoza.uz.
7. http://www.Review.uz.
8. http://www.Trede sivilization in USA.
9. http://www.economics.ru.

Илмий раҳбар: Б. Абдукаримов
Бошқарувчи: Д. Сиддиков

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**
**«Иқтисодиёт» мутахассислиги МИ-111 гуруҳ магистранти**
**Сиддиков Дилшод Искандарович**
**"Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари" мавзусидаги магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**
**диссертация ишига**

## ТАҚРИЗ

Президентимиз Ислом Каримов «...жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш...» зарурлиги масалаларини алоҳида таъкидлаб ўтган. Ушбу муаммоларнинг ечимини топишда савдо соҳасини аҳамияти алоҳида ўрин тутади. Шу туфайли ушбу соҳанинг ҳолатини, ривожланиш тенденцияси уларни мунтазам тадқиқ қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш концепциясини ишлаб чиқишни тақозо қилади.. Демак, магистрант Сиддиков Дилшод Искандарович танлаган мавзуси долзарб масалани ўз ичига олади.

Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқот ишининг назарий – услубий асоси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти, ишнинг амалий аҳамияти, диссертациянинг тузилиши ва унинг ҳажми ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертация ишнинг биринчи боби **"Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдонинг назарий масалалари"** га бағишланиб, бунда Савдонинг моҳияти, функциялари ва ривожланиш босқичлари, Савдонинг ижтимоий шакллари, ташкилий иқтисодий таснифи ва иқтисодиётда тўтган ўрни ва Савдони ривожлантириш ва тартибга солишда хорижий давлатлар тажрибалари таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари каби назарий масалалар назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Диссертация ишнинг иккинчи бобида **Самарқанд вилоятида ички савдонинг ҳозирги ҳолати таҳлили"** деб номланиб, бунда Самарқанд вилоятининг умумий ижтимоий-иқтисодий тавсифи, Савдода самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари, Самарқанд вилоятида савдо фаолияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар берилган.

Диссертация ишнинг учинчи боби **Самарқанд вилоятида ички савдони ривожлантириш истиқболлари"** деб номланган. Бу бобда асосий эътибор Самарқанд вилоятида савдонинг ташкилий тузилмасини

такомиллаштириш йўллари ҳамда Самарқанд вилоятида савдони ривожлантириш йўллари ва истиқболлари ошириш йўллари аниқланган.

Диссертация ишнинг тўртинчи боби **Савдо соҳаси корхоналарида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари"** деб номланиб, асосий эътибор корхонада ходимлар мехнатини мухофаза қилиш ҳамда электр ва ёнғин хавфсизлигини олдини олиш, энг муҳими меҳнат қилаётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган.

Диссертация ишнинг хулоса на таклифлар қисмида корхона маҳсулотларини сотишининг самарали чора-тадбирлари, ҳамда маҳсулот ҳажмини ошириш бўйича ҳакида якуний хулосалар берилиб, бир катор таклифлар ва тавсиялар умумлаштирилган.

Диссертация иши қатор чизмалар ва жадваллар билан бойитилган ҳамда мавзунинг тўлиқ мазмуни очилган.

Магистрант Д.И.Сиддиковнинг **"Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари"** номли диссертация иши Давлат Аттестация Ҳайъати томонидан қўйилган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи Д.И.Сиддиков "Иқтисодиёт" мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун лойиқ деб ҳисоблайман ва ҳимояга тавсия қиламан.

**Самарқанд давлат университети**
**"Иқтисодиёт ва меҳнат социологияси"**
**кафедраси мудири, и.ф.н., доцент** **Н.У. Арабов**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**
**«Иқтисодиёт» мутахассислиги МИ-111 гуруҳ магистранти**
**Сиддиков Дилшод Искандарович**
**"Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари" мавзусидаги магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**
**диссертация ишига**

## ТАҚРИЗ

Президентимиз Ислом Каримов «...жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш...» зарурлиги масалаларини алоҳида таъкидлаб ўтган. Ушбу муаммоларнинг ечимини топишда савдо соҳасини аҳамияти алоҳида ўрин тутади. Шу туфайли ушбу соҳанинг ҳолатини, ривожланиш тенденцияси уларни мунтазам тадқиқ қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш концепциясини ишлаб чиқишни тақозо қилади.. Демак, магистрант Сиддиков Дилшод Искандарович танлаган мавзуси долзарб масалани ўз ичига олади.

Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқот ишининг назарий – услубий асоси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти, ишнинг амалий аҳамияти, диссертациянинг тузилиши ва унинг ҳажми ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертация ишнинг биринчи боби **"Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдонинг назарий масалалари"** га бағишланиб, бунда Савдонинг моҳияти, функциялари ва ривожланиш босқичлари, Савдонинг ижтимоий шакллари, ташкилий иқтисодий таснифи ва иқтисодиётда тўтган ўрни ва Савдони ривожлантириш ва тартибга солишда хорижий давлатлар тажрибалари таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари каби назарий масалалар назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Диссертация ишнинг иккинчи бобида **Самарқанд вилоятида ички савдонинг ҳозирги ҳолати таҳлили"** деб номланиб, бунда Самарқанд вилоятининг умумий ижтимоий-иқтисодий тавсифи, Савдода самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари, Самарқанд вилоятида савдо фаолияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар берилган.

Диссертация ишнинг учинчи боби **Самарқанд вилоятида ички савдони ривожлантириш истиқболлари"** деб номланган. Бу бобда асосий эътибор Самарқанд вилоятида савдонинг ташкилий тузилмасини

такомиллаштириш йўллари ҳамда Самарқанд вилоятида савдони ривожлантириш йўллари ва истиқболлари ошириш йўллари аниқланган.

Диссертация ишнинг тўртинчи боби **Савдо соҳаси корхоналарида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари"** деб номланиб, асосий эътибор корхонада ходимлар мехнатини мухофаза қилиш ҳамда электр ва ёнғин хавфсизлигини олдини олиш, энг муҳими меҳнат қилаётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган.

Диссертация ишнинг хулоса на таклифлар қисмида корхона маҳсулотларини сотишининг самарали чора-тадбирлари, ҳамда маҳсулот ҳажмини ошириш бўйича ҳакида якуний хулосалар берилиб, бир катор таклифлар ва тавсиялар умумлаштирилган.

Диссертация иши қатор чизмалар ва жадваллар билан бойитилган ҳамда мавзунинг тўлиқ мазмуни очилган.

Магистрант Д.И.Сиддиковнинг **"Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари"** номли диссертация иши Давлат Аттестация Ҳайъати томонидан қўйилган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи Д.И.Сиддиков "Иқтисодиёт" мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун лойиқ деб ҳисоблайман ва ҳимояга тавсия қиламан.

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**
**"Иқтисодиёт ва менежмент"**
**факултети декани, и.ф.д** **К.Ж.Мирзаев**

**«Тасдиқлайман»**

**“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси”** бошлиғи

___________

11 июнь 2013 йил

**«Тасдиқлайман»**
**«Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти»** нинг ўқув ишлари проректори, доцент

___________ **А.Бектимиров**

11 июнь 2013 йил

Ўтказилган тадқиқот тавсиясининг фойдаланиши (қўлланиши) ҳақида

# Д А Л О Л А Т Н О М А

Биз қуйида имзоланган **“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси”** бошлиғи _____________ ва бош бухгалтер _______________ бир томондан ва иккинчи томондан «Иқтисодиёт» кафедраси вакили «Иқтисодиёт» кафедраси мудири, профессор Б.А.Абдукаримов ва магистрант Д.И.Сиддиков.
2012 йил 20 январда берилган буюртмага мувофиқ ўтказилган тадқиқот натижаларининг қўлланилиши ҳақида мазкур далолатномани туздик.

Бошланган: 20 январ 2012 йил
Тугалланган ва буюртмачи томонидан қабул қилинган: 11 июнь 2013 йил

Тадбиқ этилди: 11 июнь 2013 йилда **“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси”**

Тадбиқ этилган объект номи: **“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси”**

Ишни тадбиқ этишдан қуйидаги асосий натижалар олинди: **“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси” Самарқан вилоятида ички савдонинг холати, ривожланиш йўналишлари аниқланди.**

Иқтисодий самара тахминан - ҳисобланмади

Ҳақиқий иқтисодий самара ҳисоб-китоби ушбу далолатномага илова қилинади ва унинг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

**Буюртмачи**

**“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси”** бошлиғи

___________

**«Иқтисодиёт»** кафедраси вакили

«Иқтисодиёт» кафедраси мудири, профессор

___________ Б.А.Абдукаримов

**Изланишнинг бажарилишига**

# БУЮРТМА

Самарқанд шаҳри 20 январь 2012 йил

1.Буюртма берувчи: Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида жойлашган **“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси”**

Бажарувчи - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти **«Иқтисодиёт»** кафедрасига қўйидаги мавзудаги топшириқдан келиб чиқиб изланиш (тадқиқот)ни бажариш юкланади: **“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси” Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари.**

2. Изланиш (тадқиқот) нинг бажарилиш муддати.

Бошланиши: 2012 йил 20 январдан
Тугаши: 2013 йил 11 июнгача

3.Кутиладиган натижалар: **“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси” Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари.**
бўйича таклиф ва тавсиялар бериш

4.Бажарилган изланиш (тадқиқот) нинг топширилиши ва қабул қилиниш тартиби: **Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси” Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари** бўйича тайёрланган тавсияларни ёзма шаклда корхона раҳбариятига топшириш ва **Далолатнома** шаклида расмийлаштириш

| **Буюртмачи** | **Бажарувчи** |
|---|---|
| **“Самарқанд Иқтисодиёт бошқармаси” бошлиғи** | **«Иқтисодиёт»** кафедраси мудири, профессор |
| ______________ | _______ Б.А.Абдукаримов |
| Муҳр | Муҳр |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«Иқтисодиёт» кафедраси**

**«Тасдиқлайман»**
**"Иқтисодиёт"**
кафедраси мудири, профессор
______ Б.А.Абдукаримов
**20 январь 2012 йил**

Диссертация иш бўйича «Магистратура» бўлимининг
«Иқтисодиёт» мутахассислиги 2 курс магистранти

**Сиддиков Дилшод Искандарович**

## ТОПШИРИҚ

1 Диссертация ишнинг мавзуси: **"Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари"**

**2.** Институт ректорининг буйруғи билан Диссертация иш мавзуси тасдиқланган 02.01.2012 й., 2Т-сонли
(сана, буйруқ рақами)

**3.** Диссертация иш буйича бирламчи маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамасининг фармонлари ва қарорлари Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари, мавзуга оид адабиётлар хамда интернет сайтлар

**Диссертация иш режаси ва муддатлари**

| № | Диссертация иш бўлимлари | Бажарилиш муддатлари |
|---|---|---|
| | | |
| 1 | Кириш | 23.01.2012 |
| | | |
| 2 | I-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдонинг назарий масалалари | 09.03.2012 йилдан 16.06.2012 йилгача |
| | | |
| 3 | II-боб. Самарқанд вилоятида ички савдонинг ҳозирги ҳолати таҳлили | 10.09.2012 йилдан 16.11.2012 йилгача |
| | | |
| 4 | III-боб. Самарқанд вилоятида ички савдони ривожлантириш истиқболлари | 21.12.2012 йилдан 22.01.2013 йилгача |
| | | |
| 5 | IV-боб. Савдо соҳаси корхоналарида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари | 11.02.2013 |
| | | |
| 6 | Хулоса ва таклифлар | 15.03.2013 |
| | | |
| 7 | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 29.03.2013 |

Топшириқ берилган сана: **21.01.2012 йил**

Тугаган дисертация ишини топшириш муддати: **30.05.2013 йил**

**Диссертация иш раҳбари: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Иқтисод кафедра мудири и.ф.д., профессор Б. А. Абдукаримов.**

**Топшириқни олдим:** ____________________
**(талабанинг имзоси)**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**
**«Иқтисодиёт» мутахассислиги МИ-111 гурух магистранти**
**Сиддиков Дилшод Искандаровичнинг**
**“Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари” мавзусидаги академик даражасини олиш учун ёзилган диссертацияга илмий раҳбар профессор, Б. А. Абдукаримов томонидан берилган**

## МУЛОҲАЗА

Магистрант Д.И.Сиддиковнинг **“Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари”** номли академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация мавзуси ҳозирги кунда жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятларга эга, ўзига хос муаммолари бўлган ва уларни ўрганиш, ечимини топиш доимо долзарб методологик, назарий ҳамда амалий масала бўлиб келган. Ушбу жараён савдо соҳасига ҳам тўла тегишлидир ва долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши, шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш шароитида олдимиздаги қатор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни талаб этади. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш асосий омилларидан бири бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга.

Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқот ишининг назарий – услубий асоси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти, ишнинг амалий аҳамияти, диссертациянинг тузилиши ва унинг ҳажми ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертация ишнинг биринчи боби **“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдонинг назарий масалалари”** га бағишланиб, бунда Савдонинг моҳияти, функциялари ва ривожланиш босқичлари, Савдонинг ижтимоий шакллари, ташкилий иқтисодий таснифи ва иқтисодиётда тўтган ўрни ва Савдони ривожлантириш ва тартибга солишда хорижий давлатлар тажрибалари таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари каби назарий масалалар назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Диссертация ишнинг иккинчи бобида **“Самарқанд вилоятида ички савдонинг ҳозирги ҳолати таҳлили”** деб номланиб, бунда Самарқанд вилоятининг умумий ижтимоий-иқтисодий тавсифи, Савдода самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари, Самарқанд вилоятида савдо фаолияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар берилган.

Диссертация ишнинг учинчи боби **“Самарқанд вилоятида ички савдони ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган. Бу бобда асосий эътибор Самарқанд вилоятида савдонинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш йўллари ҳамда Самарқанд вилоятида савдони ривожлантириш йўллари ва истиқболлари ошириш йўллари аниқланган.

Диссертация ишнинг тўртинчи боби **Савдо соҳаси корхоналарида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари”** деб **номланиб,** асосий эътибор корхонада ходимлар мехнатини мухофаза қилиш ҳамда электр ва ёнғин хавфсизлигини олдини олиш, энг муҳими меҳнат қилаётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган.

Диссертация ишнинг хулоса на таклифлар қисмида корхона маҳсулотларини сотишининг самарали чора-тадбирлари, ҳамда маҳсулот ҳажмини ошириш бўйича ҳакида якуний хулосалар берилиб, бир катор таклифлар ва тавсиялар умумлаштирилган.

Диссертация иши қатор чизмалар ва жадваллар билан бойитилган ҳамда мавзунинг тўлиқ мазмуни очилган.

Магистрант Д.И.Сиддиковнинг **“Самарқанд вилоятида ички савдонинг холати ва ривожланиш йўналишлари”** номли диссертация иши Давлат Аттестация Ҳайъати томонидан қўйилган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи Д.И.Сиддиков “Иқтисодиёт” мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун лойиқ деб ҳисоблайман ва ҳимояга тавсия этаман.

**Илмий раҳбар: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, профессор** **Б.А.Абдукаримов**